

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

*Кулёзма ҳуқуқида
УДК*

Юлдашев Саидакмал Дониёрович

**ҚЎШМА КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ**

5A80103- Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик процессуал ҳуқуқи;
халқаро хусусий ҳуқуқ

ихтисослиги бўйича ҳуқуқ магистри даражасини олиш учун тақдим этилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: юридик фанлар номзоди,
доцент Юлдашев Жаҳонгир Иномович**

ТОШКЕНТ – 2013

Мундарижа

Кириш	5-10
I боб. Қўшма корхоналар чет эл инвестициясини жалб қилиш шакли сифатида	11
1.1. Қўшма корхоналарнинг моҳияти, тушунчаси ва унинг хўжалик юритувчи субъектлар тизимида тутган ўрни	11-26
1.2. Қўшма корхоналарни ташкил қилиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби.....	26-50
1.3. Қўшма корхоналарнинг фуқаролик-ҳуқуқий лаёқати.....	50-55
II боб. Қўшма корхоналарнинг мамлакат мулкӣ ва мажбурият ҳуқуқӣ муноабатларидаги иштироки	56
2.1. Қўшма корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқӣ шакллари.....	56-67
2.2. Қўшма корхоналарни мулкӣ-ҳуқуқӣ муносабатдаги иштироки.....	67-71
III боб. Айрим турдаги қўшма корхоналарни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва қўшма корхоналарни бекор бўлиши.....	71
3.1. Айрим турдаги қўшма корхоналарни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	71-77
3.2. Қўшма корхоналарнинг бекор бўлиши.....	77-85
Хулоса.....	85-86
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	86-93

К И Р И Ш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатлари кириб келар экан, мулкдорлар синфини шакллантириш, хусусий мулкчиликни қарор топтириш ва ўз ўзидан турли ташкилий ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, устувор вазифа этиб белгиланди. Ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида хусусийлаштириш, хусусий мулк эгалари қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш эътироф этилдики, бу ҳолат республикада мулкдорлар синфи кенг шаклланишини таъминлади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши ва истиқболда юксалишида тадбиркорлик фаолияти субъектлари ичида тижоратчи юридик шахслар шу жумладан, хорижий сармоялар асосида ташкил этиладиган қўшма корхоналар алоҳида ўрин тутди. Айнан мазкур қўшма корхоналар жамият аъзоларининг йирик капиталларини бир жойга жамлаш, аҳолини иш билан таъминлаш, барқарор бизнес олиб бориш, кўп миқдордаги моддий неъматлар алмашинуви орқали катта даромад олиш эвазига мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида асосий субъектлардан бири ҳисобланади. Фақатгина қўшма корхона типига тижоратчи юридик шахсларгина бошқа тадбиркорлик субъектларига қараганда тадбиркорлик учун кенг имкониятлар, имтиёзлар, ташаббуслар, масъулият, салоҳият ва эркинликларга эга бўлади. Зеро И.А.Каримов таъкидлаганидек, ҳар қайси корхона, ҳар бир ҳудуд, қолаверса вилоят ёки бутун мамлакатимиз миқёсида бўладими, ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, замонавий технологияларни жорий этиш, шиддат билан ўчиб бораётган рақобатга бардош бериш ва даромад олиш учун сармоя ва яна бир бор сармоя, яъни инвестиция керак¹.

Қўшма корхоналарни ташкил этиш билан боғлиқ муносабатларда уларнинг ҳуқуқий мақомини тадқиқ этиш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, қўшма корхоналарнинг ташкил топиши янги ҳуқуқ субъектини вужудга келтириб, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларда янги

¹ Каримов И.А. Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи//www.uz.a/uz //26.04.2013

субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни пайдо бўлиши билан бирга иқтисодий ривожланишга ўзига хос ҳисса қўшади.

«Ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг бутун тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим. Биз ташқи иқтисодий фаолиятнинг жаҳонда қабул қилинган шаклларига тезроқ ўтишимиз, Бутун Дунё савдо Ташкилотига аъзо бўлишга эришмоғимиз даркор»².

Фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назардан қўшма корхоналарни ташкил этиш муносабатларида иштирок этувчи субъектларни эркин бозор иқтисодиёти мамлакатимизда ривожланаётган бир шароитда, иқтисодиётнинг барча соҳаларига жалб этиш ўта долзарб масаладир. Шу боис миллий қонунчиликда уларга яратилган шарт-шароитлар, имтиёзлар улар фаолият юритиши учун эркин зоналарни ташкил этилаётганлиги фикримиз далилидир. Қўшма корхоналарнинг ҳуқуқий мақоми, фаолият юритиши, олиб кирилаётган сармоялар миқдори ва доираси, уларни оммавий ва хусусий мулкий муносабатларни қарор топиши ҳамда ривожланишида муҳим омил эканлиги, иккинчидан мулк ва ташкилий-ҳуқуқий муносабатларда назарий ва амалий жиҳатдан юзага келаётган муаммолар ва низоларни олдини олиш ёки тўғри хал этиш лозимлиги, миллий ва хорижий таъсисчиларнинг ўзлари ташкил этган тижоратчи юридик шахс мажбуриятлари учун солидар ва субсидиар жавобгарлиги адабиётларда кам тадқиқот объекти бўлганлиги учун ҳам долзарбдир.

Шунингдек, эркин бозор шароитида қўшма корхоналар фаолияти ҳар доим ўзига хос ҳаётий долзарбликни вужудга келтиради. Бу фаолият замирида мазкур муносабатда иштирок этувчи миллий ва хорижий инвесторлар фаолияти ётади. Мазкур муносабатларининг долзарблиги давлат ва жамият учун бир вақтнинг ўзида муайян оқибатларга олиб келиши мумкин. Қўшма корхоналар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи соҳа қонун ҳужжатларининг бозор иқтисодиёти ривожини билан биргаликда ўзгариб, янгиланиб боришига замин яратади. Мазкур тадқиқот иши мавзусининг долзарблиги шу билан белгиланадики, бозор муносабатлари шароитида хусусий мулкчиликни шакллантиришда, хорижий

²Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда -Тошкент: Ўзбекистон 1999. – 34 б

сармояларни жалб этишда, қўшма корхоналарнинг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларни тўсқинликсиз амалга ошириши, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва фуқаролик муомаласидаги тенгликни таъминланишида моддий жавобгарлик чораси сифатида кўриладиган таъсисчиларнинг тижоратчи юридик шахслар мажбуриятлари бўйича субсидиар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан бу борада комплекс тадқиқот олиб бориш аҳамиятлидир.

Гарчи, мамлакатимизнинг янги миллий қонунчилиги асосида қўшма корхоналарнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми умумий маънода илмий-тадқиқотлар объекти бўлган бўлса-да, фуқаролик ҳуқуқи соҳаси ва амалиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фаолиятни ташкил этишдаги ўзига хос хусусиятлар алоҳида комплекс тадқиқот объекти бўлмаган. Бу эса ўз навбатида фуқаролик ҳуқуқи соҳасида ва фанида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тадқиқот иши ана шу бўшлиқни тўлдириш ҳамда қўшма корхоналарни ташкил этиш, фаолият юритиш масалалари асосий жиҳатлари моҳиятини илмий-назарий ёритиш нуқтаи-назаридан ҳам долзарбдир.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Тадқиқотнинг объекти – қўшма корхоналар фаолиятини ташкил этишда вужудга келадиган ижтимоий муносабатлардир. **Тадқиқотнинг предмети** – Қўшма корхоналар тушунчаси, моҳияти, фаолият кўрсатишининг ўзига хос хусусиятларини аниқловчи ҳуқуқий нормалар ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади – Қўшма корхоналар фаолиятини ташкил этиш масалаларининг назарий ва амалий муаммоларини комплекс илмий таҳлил қилиш, унинг моҳияти, аҳамияти ва мазмунини аниқлаш, шунингдек соҳа қонунчилигини такомиллаштиришнинг концептуал йўналишларини мавжуд воқелиқдан келиб чиқиб очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- қўшма корхоналар фаолиятини ташкил этишда улар тушунчаси, моҳиятини комплекс таҳлил қилиш;

- Қўшма корхоналар фаолиятини тартибга соладиган қонунчилик тизимини тавсифлаш;

- Қўшма корхоналарнинг мулкӣ ва мажбурият ҳуқуқӣ муносабатдаги иштирокини таҳлил этиш;

- Қўшма корхоналар фаолиятини ташкил этишнинг фуқаролик-ҳуқуқӣ муаммоларини таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари:

- қўшма корхоналарни ташкил этишда энг маъқул корхона тури бу – хўжалик жамиятларидир. Хўжалик ширкатлари ва ишлаб чиқариш коперативларининг фаолият бирлашмаси эканлиги, хусусий корхонани яқка шахс томонидан ташкил этилиши, фермер ва оилавий корхоналарни хусусий корхоналарга тенглаштирилиши бу ташкилий-ҳуқуқӣ шаклларда қўшма корхоналар ташкил этишни мантиқсизлигини белгилаб беради.

-қўшма корхонанинг мол-мулки қайси мулк шаклларида вужудга келгани эмас, балки мулк қайси субъект қўлида эканлигига эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Айнан шу нуқтаи назардан ҳам оммавий мулк асосида ташкил топган ҚКларнинг мол-мулки ҳам шаклан хусусий мулк ҳисобланиши лозим.

- ҚК универсал ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиб (айрим ҚК турларидан бошқа), бу умумийлик қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган исталган фаолиятни амалга ошириш билан бирга сармояларни тез ва узлуксиз муомалага киришини таъминлайди ҳамда сармоядорни қонуний ҳаракат доирасида даромад олишини кафолатлайди. Тўғри, ҳар қандай тижоратчи ташкилот муассислари (таъсисчилари, хиссадорлари, агар умумий йиғилишда овоз берадиган ва ғолиб чиқадиған бўлсалар) юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқат ҳажмини қисқартириши, яъни махсус ҳуқуқ лаёқатига айлантириши мумкин. Лекин, айнаи ҳолатда ҚКни махсус ҳуқуқ лаёқати умумий қоидадан истиснодир, аксинча эмас.

-Фикримизча эркин иқтисодий зоналар бу – тадбиркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётни устун тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш, истиқболли технологияларни жорий этиш мақсадида хўжалик молиявий фаолиятнинг алоҳида тартиботи жорий этиладиган ҳудуддир.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Фуқаролик ҳуқуқида қўшма корхоналарни ҳуқуқий мақомини илмий тадқиқ этиш фуқаролик қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар асосида, назарий ва амалий жиҳатдан ўзининг характери бўйича янги ҳисобланади. Шу сабабли хорижий давлатларнинг бир қатор олимлари назарий ишланмаларига эътибор қаратиш мумкин. Ушбу муаллифларнинг асарларидан миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда самарали фойдаланиш кўрсатиб ўтилган вазифаларни максимал даражада объектив ва асосли ечимни топиш имконини беради. Қўшма корхоналар ҳуқуқий мақомини масалалари узоқ йиллар давомида кўплаб муаллифларнинг диққат марказида бўлиб келган ва уларнинг асарлари катта илмий қизиқишни намоиш этади. Ушбу муаммонинг ўрганилишига кўплаб цивилистларнинг асарлари бағишланган³.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этилиши, Концепциядан сўнг қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида ушбу тадқиқотнинг мавзусига яқин бўлган бошқа тадқиқотлар мавжуд эмас. Кўриб чиқиладиган муаммоларнинг етарли даражада ишланмаганлиги, шунингдек уларни ҳуқуқий муносабатларнинг замонавий даражаси нутқай назаридан ҳал этилиши лозимлиги ушбу тадқиқот илмий-назарий ва амалий жиҳатдан долзарблигини билдиради.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқотнинг услублари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг фундаментал асарлари, унинг олимлар ва илмий жамоалар олдида сўзлаган нутқлари ва мақолалари, кодификациялашган қонун нормалари, шунингдек Қонунлар, Президент Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва вазирликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳисобланади.

Шу билан бирга халқаро ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва юриспруденцияни тартибга солувчи тизимлар нормаларининг компаратив таҳлил амалга оширилди.

³ Муаллифларнинг асарлари адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

Қўшма корхоналар ҳуқуқий мақоми масалалари бўйича мавжуд адабиётлар тадқиқ этилди, хорижий мутахассисларнинг назарий қарашлари ўрганилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шу билан асосланадики, унда билдирилган таклифлар ва хулосалар қўшма корхоналарни ташкил этишда вужудга келадиган бир қатор назарий муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. Назарий хулосалар ва тавсиялар фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришда ҳисобга олиниши, шунингдек қўшма корхоналар фуқаролик ҳуқуқ субъектчилиги муаммолари бўйича ўтказиладиган тадқиқотларнинг методологик асоси сифатида фойдаланиши мумкин. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шунда ифодаланадики, унда билдирилган хулоса ва тавсиялар қўшма корхоналар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда ягона ёндашувни шакллантиришни таъминлаш орқали ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги концепция ва у асосда қабул қилинган норматив ҳужжатлар асосида қўшма корхоналар ҳуқуқий мақоми илк маротаба комплекс таҳлил қилинмоқда. Диссертацияда қуйидаги илмий муаммолар ҳал этилади: қўшма корхона тушунчаси, моҳияти ва мазмуни ўрганилади; унинг ўзига хос хусусиятлари аниқланади; қўшма корхоналарни ташкил этиш усул ва воситалари очиқ берилди, қўшма корхоналар фаолиятини ташкил этишнинг асосий муаммолари аниқланади ва уларни ҳал қилишнинг аниқ йўналишлари таклиф қилинади.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация кириш, 7 параграфни бирлаштирувчи 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 93 бетни ташкил қилади.

I. БОБ. ҚЎШМА КОРХОНАЛАР ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯСИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ШАКЛИ СИФАТИДА.

1.1. Қўшма корхоналар моҳияти, тушунчаси ва унинг хўжалик юритувчи субъектлар тизимида тутган ўрни.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида миллий иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг омилларидан бири қўшма тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш ҳисобланади. Хозирги кунда хорижлик ишбилармонлар Ўзбекистонни ўзлари учун энг қулай ва ишончли шерик деб ҳисоблаб келмоқда. Сабаби, республикада хорижий инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит яратилди. Шунинг асосида ўз сармояларини республикага жойлаштириш ва биз билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш истаги ортиб бормоқда. Республикада яратилган қулай инвестицион муҳитнинг асосий омиллари мамлакатимиздаги қулай сиёсий барқарорлик, бой хом ашё ресурслари мавжудлиги ҳамда қўшма тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси яратилганлиги билан белгиланади.

Қўшма корхоналар юридик шахс ҳисобланади. Юридик шахс тушунчаси ФКнинг 39-моддасида берилган. Унга кўпгина олимлар ҳам ўз муносабатларини билдириб ўтишган. Масалан, И.Зокиров, Х.Раҳмонқулов, Ш.Рўзиназаров, Д.Қараходжаева, С.Гулямов, Т.Туребеков, В.Топилдиев, Ж.Юлдашев каби олимлар юридик шахсга тариф беришганда ФКнинг 39-моддасини асос қилиб оладилар⁴.

С.Н.Братуснинг фикрича, юридик шахс ёхуд давлат жамоа тузилмаси ҳисобланади⁵. Лекин ушбу фикр муайян маънода баҳсли саналади. Гарчи муаллифнинг фикри собиқ Иттифоқ даврида билдирилган бўлса-да, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари (“Хусусий корхоналар

⁴Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. 1-қисм. –Тошкент: ТДЮИ, 2009 -106 б.; Раҳмонқулов Х. Фуқаролик ҳуқуқининг муаммолари. –Тошкент, 2010. Раҳмонқулов Х.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. - Тошкент: ТДЮИ, 2007. -121 б.ТДЮИ, Рўзиназаров Ш.Н. Бозор шароитида кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми. –Тошкент: Адолат, 1997. -12 б.Қараходжаева Д.М. Гражданское право: субъект, объект и содержание правоотношения в условиях рынка.-Т.:ТДЮИ.2004., Юлдашев Ж. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида.-Т.:ТДЮИ.2004. Топилдиев В. Таъсис шартномаларининг назарий ва амалий муаммолари. –Тошкент, Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2006. -112 б.

⁵ Братус С.Н. Субъекты гражданского права. –М.: Юр издат. 1950. -6 с.

тўғрисида”ги қонун) мазмунига асосан бир шахс томонидан тузилиши ва бошқарилиши унинг “жамоавийлик” билан боғлиқ тушунчасини баҳс талаб бўлишига сабаб бўлади.

Халфинанинг фикрича, юридик шахслар белгиланган тартибда ташкил этиладиган, устав ёки низом асосда фаолият юритадиган, ўзининг ҳисоб рақамига эга бўлган, белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилган ҳуқуқнинг турли соҳаларидаги турли ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчисидир⁶.

Қўшма корхона ҳуқуқ субъектчилиги бўйича юридик шахс ҳисобланади. Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири бўлган қўшма корхоналарнинг юзага келиши – бу, кўп уқлатли иқтисодиётни шаклланишининг бир усулидир. У хўжалик юритишнинг янги усуллари жорий этади ва такрор ишлаб чиқаришни байналминлашувини таъминлайди. Қўшма корхоналар хўжалик фаолиятига янги фазилатларни олиб киради. Корхона ва ташкилотларнинг чет эллик шериклар билан алоқасини юксалтиради. Қўшма корхоналар аралаш мулкчиликнинг кўриниши ҳисобланади, бунда давлат, жамоа ва хусусий мулк умумлашади. Корхонанинг ўзи бир неча давлатларнинг таъсисчилари шартномалари асосида шаклланади. Бу ерда таъсисчилар давлат корхоналари ва ташкилотлари, жамоа хўжаликлари, хиссадорлик жамиятлари ва жамоат ташкилотлари булиши мумкин. Бундан ташқари, айрим фуқаролар (жисмоний шахслар) ҳам таъсисчи булиш ҳуқуқига эгадирлар.

Чет элда ўз корхонаси ташкил этаётган корхона барча ишлаб чиқариш жараёнини ўзи яратади. Натижада бу давлатнинг иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиради. Бундай иқтисодий алоқалар тулов валюта балансини тургунлаштириш ва мамлакат валюта ҳолатини нормалаштириш, истеъмол товарлари бозорини тургунлаштириш ва ишлаб чиқариш самарасини амалга ошири каби йуналишларда амалга оширилади.

Бундан ташқари бозор инфраструктурасини шакллантиришда техник консультатив ва молиявий хамкорликнинг зарурлиги. Мулк шаклидан катъий назар барча катнашчиларга инвестиция лойихасини тулигича ёки қисман

⁶ Халфина Р.О. Общие учение о правоотношени.-М.: Юрид. лит. -1974.-189 с.

молиялаштириш таклиф этилади. Шароитдан келиб чикиб, маблаг давлат ёки бошка секторларга кайта таксимланади.

Қўшма корхоналарнинг ахамиятли томони – олинган фойдани таксимлаш, сарфни коплаш, корхона фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб бориш узок муддатга алокадор ҳисобланади. Бизнинг республикамизда қўшма тадбиркорликнинг амалга оширилиши бир катор кийинчиликлар билан боғлиқ бўлиб у пулнинг конвертациясидир. Гарб фирмаларини уз олган даромадларини конвертация қилиш ҳаракатлари куп вақт хар хил тусикларга учрайди, чунки уларнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотлари асосан ички бозорга мулжалланган, уни чет эл пулларида сотилиши мумкин эмас. Хозирги кунда чет эл инвестицияларини жалб этиш билан боғлиқ қонунчиликка асосан инвестиция қуйидаги қуринишида жалб этилмоқда:

-корхоналарни хиссаси бўйича иштирок этиш.

-мулк, акция ва бошка қимматбаҳо қозғаларни сотиб олиши.

-Маҳаллий фуқоролар билан биргаликда ёки мустақил ерларни сотиб олиш ва бошкалар.

Мамлакат ривожланишида қўшма корхоналар фаолияти муҳим ўрин эгаллайди. «Қўшма корхона» ибораси юридик шахсларнинг ўзига хос алоҳида шакли бўлиб, унинг келиб чиқиш тарихи ҳам ўзига хосдир. Одатда, «Джойнт венче» - қўшма корхона атамаси XX аср II ярмида америкаликлар томонидан муомалага киритилган деб ҳисобланади. Бошқа қарашларга кўра эса, бу тушунча компаниялар ҳақидаги Британия қонунлари шаклланишида юзага келган деб ҳисобланади ва бунга мисол қилиб, «merchand Ventures» ёки «Gentlmen Advention» кўрсатилади.

Маълумки, Америка қонунлари бўйича «joint venture corporations» юридик шахс ҳисобланади. «Contractual joint Ventures» юридик шахс ташкил қилмасдан шартнома асосида фаолият юритиш (Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилиги бўйича биргаликдаги фаолият шартномаларига мос келади) тушунилади.

Жаҳон тажрибаси шуни исботламоқдаки, жаҳондан, турли давлатлардан ажралган ҳолда, ҳамкорлик қилмасдан ривожланиш оғир кечади ва бу мамлакат

инқирозига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ҳозирги вазиятдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, дунёда бошқа давлатлар билан ўзаро ҳамкорликсиз яшаётган давлат қолмаган. Ривожланган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш мамлакат иқтисодий салоҳияти ортишини, тараққий этишини таъминлайди. Аксинча ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик қилмасдан, фан-техника ютуқларини ўз ишлаб чиқаришга жорий этмаган давлат тараққий этиши оғир кечади ва ҳатто давлат инқирозга учраши, тарқаб, бўлиниб кетиши мумкин. Бунга ёрқин мисол сифатида собиқ иттифоқни (СССР)ни келтириб ўтиш мумкин. У нотўғри олиб борилган иқтисодий ривожланиш, сиёсий ҳатолар туфайли барҳам топди.

Маълумки, маъмурий – буйруқбозлик тизими даврида (СССРда) ҳар қандай хорижий субъект билан муносабатга киришиш, бу ҳатто фуқаролик ҳуқуқи ёки халқаро хусусий ҳуқуқ таъсири доирасида бўладиган бўлса ҳам давлат бошқарув органлари томонидан тартибга солинарди. Бунда хорижий субъект билан бўладиган фуқаролик ҳуқуқий муносабат ва бу муносабатда собиқ СССР томонидан қатнашувчи субъект ҳатти-ҳаркатлари ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган директива, кўрсатма, буйруқ, режа асосида амалга ошириларди.

Бозор талаб қилган нарсани жорий этиш ва ишлаб чиқариш учун давлат органи розилиги керак эди. Розилик олиш ҳам узоқ вақтни олар, розилик олинганда эса вақт ўтган бўларди. Бундай салбий ҳолатлар мавжудлиги боис хорижий инвестиция кириб келиш даражаси жуда паст эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлгач ўз олдида бозор муносабатларини қарор топшириш вазифасини қўйди. Шундан келиб чиқиб ташқи иқтисодий муносабатларни эркин ва демократик тартибини жорий этиш учун бир қатор тадбирлар ўтказила бошланди, улар қуйидагилар:

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилувчи барча хорижий инвесторлар учун очиқ қўйилди. Улар Ўзбекистонда мол-мулкка эга бўлиши, ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти билан шуғулланиши, фойда олиш учун кенг имконият ва қафолатлар яратилди;

- Ўзбекистонда яшовчи жисмоний шахслар, фуқароларнинг чет элга бориб келишининг эркин тартиби жорий этилди;

- Ўзбекистонда барча хўжалик юритувчи субъектлар бошқа хорижий субъектлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш, четдан товар олиб келиш ва товар чиқариш учун қулай имкониятларга эга бўладилар;

- Давлатнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига маъмурий йўл билан аралашувига барҳам берилди.

Юқоридаги вазифалар амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда чет эллик инвесторлар учун қулай бўлган шарт-шароит юзага келди. Бу жараёнда қўшма корхоналар ташкил этишга ҳам катта эътибор қаратилди. Зеро, қўшма корхона ҳар қандай давлатга сармоя жалб этишнинг асосий шакли бўлиб ҳисобланади. Хорижий инвестициядан ривожланган давлатлар ҳам, ривожланаётган давлатлар ҳам кенг фойдаланади.

Қўшма корхонага берилган тушунча ва талаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.11.1996 йилги ПФ-1652-сонли Фармонида ўз аксини топган. Унга кўра қуйидаги шартларга жавоб берадиган янгидан ташкил этиладиган корхоналар ўзбекистон республикаси адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига киради:

- корхонанинг низом жамғармаси 150 минг ақш долларига тенг суммадан кам бўлиши мумкин эмас;

- корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий юридик шахс бўлиши шарт;

- хорижий сармоялар улуши корхона низом жамғармасининг камида 30 фоизини ташкил этиши зарур.

Янги ташкил этилаётган корхоналар мазкур шартларга жавоб бермаган тақдирда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига кирмайди ҳамда корхона жойлашган ҳудуддаги шаҳар ва туман ҳокимликларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Қўшма корхонага таъриф беришда Ўзбекистон юридик энциклопедияси айнан юқоридаги ҳолатга таянган⁷.

“Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонунга асосан, чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ўзларига берилган барча ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёزلардан фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар деганда акцияларининг (улушлари, пайларининг) ёки устав жамғармасининг камида ўттиз фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар тушунилади. Улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатадилар. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қатнашчиларидан бири чет эллик инвестор бўлиши шарт.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона уни таъсис этиш йўли билан ёки илгари чет эл инвестициялари иштирокисиз таъсис этилган корхонада иштирок этиш улушини (пайини, акцияларини) ёхуд бундай корхонани бутунлай, шу жумладан, хусусийлаштириш жараёнида чет эллик инвестор томонидан сотиб олинishi натижасида ташкил этилиши мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона давлат рўйхатиغا олинган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатиغا олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қўшма корхоналар ташкил этиш ва унинг фаолият юритиш чет эл инвестицияси билан боғлиқ экан, фикримизча инвестиция ҳақида бироз маълумот олсак мақсадга мувофиқ бўларди. «**Инвестиция**» сўзи инглизча «**Investment**» сўзидан олинган бўлиб, «**капитал қўйиш**» («облагать») деган маънони билдиради.⁸

⁷ Ўзбекистон Юридик Энциклопедияси. –Тошкент, Адолат, 2010. -626 б.

⁸ Финансово – кредитный словарь /Под ред. Горбузова В.С. -Москва, 1994. Т.1. – С.128

Феодализм даврида инвестура деганда, ернинг вассалга эгалик қилиш учун берилиши тушуниланган. Худди шу сўз орқали епископларни мансабга тайинлаш ҳам тушунилиб, бунинг натижасида епископлар черков ерлари ва шу ер аҳолисини бошқариш ва шу ҳудуддаги аҳолини суд қилиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритган. Епископни мансабга тайинлаш белгиланган маросим тартибида ўтказилиб, собиқ епископ ваколатларини тегишлича янги епископга топширган. Инвестурани қўлга киритиш орқали инвестур (замонавий тилда инвестор) фақат шу ҳудуддаги табиий ресурслардан фойдаланишигина эмас, балки шу ҳудудни бошқаришда қатнашиши ҳуқуқиниям қўлга киритган.⁹

Инвестиция ўзига хос хусусиятларига кўра бир қанча турга бўлиниши мумкин. Инвестицияни тегишлилигига, кўра **миллий инвестиция** ва **хорижий инвестицияга** бўлиш мумкин.

Татбиқ этиш объектини эътиборга олган ҳолда инвестицияни мулкка нисбатан **молиявий** ва **номоддий** турларга ажратиш мумкин.

Шу билан бирга инвестициянинг икки хил кўриниши 1. портфел инвестициялар; 2. тўғридан-тўғри инвестициялар мавжуд. **Портфел инвестициялар** деганда, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қимматли қоғозлар сотиб олиш ва дивидент олиш учун инвесторнинг иштироки тушунилади. Бунда инвестор корхонанинг маълум акциясини сотиб олиш орқали иштирок этади ва шу орқали муайян даромад олади. **Тўғридан-тўғри инвестициялар** деганда, маҳсулот ишлаб чиқариш учун маблағларни ишлаб чиқаришга сарф этиш тушунилади. Бунда сармоя корхонадаги ишлаб чиқариш технологиясини яхшилаш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланади. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ривожланади, шу билан бирга даромад ҳам юқори бўлади.

Тўғридан-тўғри инвестициялар 2 та компонентдан ташкил топади: 1 асосий капиталлар, ишлаб чиқариш воситалари, компьютерлар, бино сотиб олишга сарф этилади, 2. капитал бир қисми товар-ресурсларга сарфланади.

Молиялаштириш манбалари сифатида **хорижий давлат инвестициялари** ва **шахсий инвестицияларига** бўлинади.

⁹Финансово – кредитный словарь /Пад ред. Горбузова В.С. -Москва, 1994. Т.1. – С.129

Инвестиция бўлиб, пул маблағлари, қимматли қоғозлар, пай, яъни улушлар, акция, технологиялар, машиналар, асбоб-ускуналар, лицензиялар, шунингдек товар белгилари, кредитлар, ҳар қандай мулк ёки мулкый ҳуқуқлар, интеллектуал бойликлар ва бошқалар ҳисобланиб, у тадбиркорлик ёки бошқа фаолият соҳаларига қўлланишидан фойда ёки ижтимоий нафни келтириб чиқаради.

Хорижий адабиётларда чет эл инвестициясига турлича қараш мавжуд. У.Бейлқджиан фикрича, «чет эл инвестицияси – тўғри инвестициянинг синонимидир». У бу таърифга қуйидагиларни киритади: чет эллик инвесторга қисман ёки тўлиқ тегишли бўлган янги корхона ёки филиални ташкил этиш, муайян корхонада мулкый ҳуқуқлар, акцияга ёки капиталга эга бўлиш.¹⁰

Г.Шварценбергер ўзининг «Чет эл инвестициялари ва халқаро ҳуқуқ» номли асарида «инвестиция» ва «мулк» тушунчаларини синоним тарзда тушуниш лозимлигини ва бу тушунча ўзида мулк ҳуқуқи назариясида берилган барча ҳуқуқ ва манфаатларни ифода этишини таъкидлайди.¹¹

Бизининг фикримизча, юқорида берилган икки олим фикри ҳам тўғридир. Зеро, инвестор инвестиция жалб этиш орқали корхонада муайян улушга эга бўлади ва мулкдор каби даромад ва фойда олиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Инвестиция жалб этиш мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиши, экспорт қуввати ошиши, мамлакат аҳолиси эҳтиёжи тўлароқ қондирилиши ва ижтимоий турмуш даражаси кўтарилишига ёрдам беради. Рус олимаси Е.И.Халевинская инвестиция киритишнинг бошқа молиявий ҳамкорлик шаклларида устунлиги қуйидагиларда эканлигини кўрсатади:

Тўғридан-тўғри инвестициялар хизмат кўрсатиш, товар ишлаб чиқариш, технологияни мустаҳкамлаш ва мукаммаллаштириш, яъни республика иқтисодиётига хориждан капитал қўйиш бўлади. Миллий иқтисодиётни жаҳон иқтисодиётига бирлашувига кўмаклашади. Улар:

- янги технологиялар, «ноу-хау», жиҳозлар киритишга;
- мамлакат экспорт қувватини оширишга;

¹⁰ Balemjian W. Legal Aspects of Foreign Investment in the European Economic Community. –Manchester, 1967 year/ P-3.

¹¹ Schwarzenberger G. Foreign Investments and International Law. –London, 1969/ -P/17

-ҳозирги замон талаблари даражасидаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш борасида мутахассисларни тайёрлашга ёрдам беради.¹²

80-йиллар охири 90-йиллар бошларида собиқ иттифоқ республикалари ҳудудидаги ўзгаришлар шўролар тузумида олиб борилган иқтисодий сиёсат ўзини оқламаганлиги ва натижада иқтисодиёт издан чиққанлиги, аҳоли турмуш тарзи тушиб кетганлиги, экспорт қуввати пасайгани, товар танқислиги юзага келганлигини кўрсатди. Бу ҳолат мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётидан ажралиб кетгани, инвестиция жалб қилиш ва инвестиция чиқариш сиёсати нотўғри амалга оширилганлигини кўрсатади.

Хорижий сармоя жалб этиш учун иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий шароит керак бўлади. Шу ўринда биз С.Ю.Евстратовнинг «хорижий сармоядорлар сармоя қўйишдан олдин мамлакатда яратилган муҳим, шарт-шароитлар билан мукамал танишиб чиқишга мажбур бўладилар. Чунки, уларнинг сармоя қўймоқчи бўлган давлатлардаги иқтисодий сиёсат, солиқ тизими ва миқдори, ҳом ашё базаси, маданият ва мафкура каби томонлари билан ҳисоблашмай иложи йўқ. Шунингдек, улар сармояни тегишли давлат томонидан ҳимоя қилиниши, иқтисодиётнинг ҳуқуқий тартибга солинишига ҳам алоҳида эътибор беришга мажбур бўладилар»¹³ деган фикрига тўла қўшилаемиз.

Юқорида келтириб ўтилган ҳуқуқий кафолатлар Ўзбекистон қонунчилигида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунларда қўшма корхона мулки мулкчиликнинг барча шакллари билан тенглиги эътироф этилди ва қўшма корхоналар акциядорлик жамиятлари, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият шаклида тузилиши ҳамда таъсис ҳужжатларида белгиланган фаолиятни амалга ошириш учун зарур мол-мулкка эгалик қилиши мумкинлиги тан олинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунингдек «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасидан келиб чиқиб қўшма корхонага таъриф беришимиз мумкин. **Қўшма корхона деганда**, акцияларининг (улушлари,

¹² Халевинская Е.Д. Предприятия с иностранным капиталом в России. –М.: Финстатинформ 1995. – С 11.

¹³ Евстратов С.Ю. Иностранные инвестиции в СССР. вопросы финансового регулирования. –М.: Финансы и статистика 1991. – С.7

пайларининг) ёки устав жамғармаининг ўттиз фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган, тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтган корхона тушунилади.

Қўшма корхоналар қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилиши мумкин: тўлиқ ширкат; коммандит ширкат; масъулияти чекланган жамият; қўшимча масъулиятли жамият; очик ва ёпиқ акциядорлик жамияти; ишлаб чиқариш кооперативлари ва бошқалар.

Мамлакатимизда ҳам, бошқа давлатларда ҳам хорижий корхоналар ва қўшма корхоналар асосан АЖлар, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тарзида ташкил этилмоқда. Бунга сабаб бу турдаги корхоналарга кенг ҳуқуқлар берилганлиги ва манфаатдорлик юқорилиги деб ҳисоблаш мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, филиаллар, шунингдек юридик шахс бўлмаган ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар ташкил этиши мумкин. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг шўъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа алоҳида бўлинмалари ташкил этилиши мумкин.

Ҳар қандай жамият бор экан, у авваламбор, ўз олдига аниқ бир мақсадни қўяди ва ўз ривожланиш йўлини белгилаб олади. Биз ҳам ўз мустақиллигимизни қўлга киритганимиздан сўнг, ўз олдимизга улуғ мақсадни қўйдик. Бу – бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини қуриш. Албатта, бу мақсадга эришишда тадбиркорлик фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сабаби, президентимиз А.И. Каримов айтганидек «Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулатини шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фарованликка эришишнинг муҳим омили ҳам бўлиши даркор»¹⁴.

Шу мақсадда ҳозирги кунда республикаимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг

¹⁴ Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. -Т.: Ўзбекистон, 2001. – 407 б.

ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, бирқанча қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари чиқарилмоқда. Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишида юридик шахслар, айниқса уларнинг филиаллари ва ваколатхоналарнинг ўрни ва аҳамияти ўзига ҳос ҳисобланиб, филиал ва ваколатхоналар юридик шахсларнинг ўз фаолиятини аниқ ва тўлиқ, самарали ва фаол олиб бориши учун муҳим омил ҳисобланади. Ҳозирги кунда республикаимизда юридик шахсларнинг филиаллар ва ваколатхоналарнинг ташкил этилиши ва унинг бошқарилишини, иш фаолиятини тартибга солувчи бир қанча меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Масалан, «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғриси»даги қонунлари ва 2008 йил 23-декабрь «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг банклари ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби тўғрисида»ги, 2000 йил 24 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари, давлат бошқа органлари, ташкилотлари, корхоналарнинг чет элдаги ваколатхоналари тўғрисида»ги Низомларини кўрсатиш мумкин.

ФКнинг 47-моддасига асосан ваколатхона юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган, юридик шахс манфаатларини ифодалайдиган ва уларни ҳимоя қиладиган алоҳида бўлинмаси, филиал юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир. Ваколатхона ва филиаллар ҳақидаги юридик шахснинг уставида ёки таъсис ҳужжатида кўрсатилиши керак ва ваколатхоналар ҳамда филиаллари қайд этилиши учун рўйхатдан ўтказувчи органга: юридик шахс бошқарувининг юридик шахс ваколатхонасини очиш ёки филиалини ташкил этиш тўғрисидаги қарори; юридик шахс бошқаруви томонидан тасдиқланган, юридик шахс ваколатхонаси ёки филиали тўғрисидаги низом; ваколатхона ёки филиал мол-мулкани бошқариш учун юридик шахс бошқаруви томонидан берилган ишончнома; юридик шахс уставининг ва юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхалари ва бошқа ҳужжатлар тақдим этилиши мумкин.

Демак, филиал ва ваколатхоналар қонун ҳужжатларида бошқа ҳоллар назарда тутилмаса юридик шахс ҳисобланмайди, яъни ваколатхона юридик шахс жойлашган ердан ташқарида, юридик шахс ҳуқуқ ва маънфатларини, унинг шаъни, кадр-қиммати, тадбиркорлик обрўси ва унинг фирма номи, товар белгиси ва бошқа тарздаги мутлоқ ҳуқуқларни ҳимоялайди ва уларнинг бузилишини олдини олади. Агар бу юридик шахснинг ҳуқуқлари бузилаётган бўлса, шу юридик шахс номидан уни тўқтатиш ва бундай зарар келтирган шахсларга етказилган зарарни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмаларидир. Ваколатхоналар тадбиркорлик фаолияти билан шуғилланмайди.

Филиаллар юридик шахс жойлашган ерларидан ташқарида жойлашиб филиалнинг вазифаларини ва шу билан бирга юридик шахс номидан учинчи шахслар олдида фуқаролик муносабатларига киришиш, ҳар хилдаги битимлар тузиш, фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириш, бекор қилиш, ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Филиаллар ўзини ташкил қилган юридик шахсларнинг тасдиқлаган Низомига кўра, ўзи жойлашган ерида юридик шахснинг номидан вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини бажариши мумкин. Бу эса юридик шахсларнинг ўз фаолиятини ишончнома асосида ўзи ташкил қилган филиаллар орқали энг чекка ҳудудларда ҳам амалга ошириш имкониятининг беради. Булар расмий юридик шахс мақомига эга бўлмаса ҳам, юридик шахсларнинг ҳамма ишларини ўзи жойлашган ерларида ҳудди шу юридик шахс сингари амалга оширади. Бу эса юридик шахсга ҳар томонлама қулайлик яратади.

Умумий қоидаги кўра, юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича низо вужудга келган тақдирда, даъво талаби ва эътирозлар филиал ва ваколатхона номидан билдирилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 1999 йил 5 февралдаги «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги¹⁵ 77-сонли қарорининг 15-бандига асосан юридик шахс

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди Пленуми қарорларининг тўплами

хисобланмаган алоҳида бўлинма (ваколатхона, филиал) фақатгина юридик шахс номидан даъво қилиши мумкин.

Юридик шахслар ўз филиаллари ва ваколатхоналари учун ҳам жавобгар хисобланиб, ваколатхона ва филиаллар ўзлари ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланади ва ў тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб боради. Ваколатхона ва филиаллар бошқарувчилари юридик шахс томонидан тайинланади ва ишончнома асосида иш олиб боради¹⁶. Бундан ташқари юридик шахс томонидан тасдиқланган Низомда ваколатхона ва филиалларнинг вазифалари, ваколатлари, мол-мулки, бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар бўлади. Юридик шахсларнинг бир нечта филиал ва ваколатхоналари бўлиши мумкин. Бу ҳолда уларнинг ҳаммасига умумий Низом чиқарилиши мумкин.

Қўшма корхоналарнинг чет эл давлатида ўз филиал ва ваколатхоналарини ташкил қилиш ҳуқуқига эга. Бу филиал ва ваколатхоналар Ўзбекистон Республикасида тузиладиган юридик шахсларнинг филиал ва ваколатхоналаридан қўйидаги ўзига ҳос томонлари билан ажралиб туради:

- филиал ва ваколатхона ўзи жойлашган давлат қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади;

- филиал ва ваколатхона ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, филиал ва ваколатхонанинг таъсис ҳужжатларига, шунингдек, ўзи жойлашган давлат қонунчилигига амал қилади;

- филиал ва ваколатхона ходимлари ва уларнинг оила аъзолари филиал ва ваколатхона фаолият кўрсатаётган давлатнинг қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига риоя этишга, анъана ва урф-одатларини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

Бундай чет элда ташкил қилинган филиал ва ваколатхоналарнинг мақсад ва вазифалари уни ташкил этаётган юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли билан боғлиқдир, «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари, давлат бошқа органлари ташкилотлари, корхоналарнинг чет элдаги ваколатхоналари

¹⁶ Ишончномалар айрим ҳолларда бир йил, масалан тижорат банк бошқарувчиларига ёки бошқарувчининг шу лавозим даври мобайнида берилиши мумкин.

тўғрисида» намунавий низомининг II боби 8-моддасида чет эллардаги ваколатхоналар:

-ҳамкорлик шакллари ривожлантириш, чуқурлаштириш ва такомиллаштириш имкониятларини қидириб топиш;

-савдо, иқтисодиёт, молия, фан ва техника, транспорт, туризм, маданият соҳасидаги ва бошқа соҳалардаги, ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни амалга оширишга самарали кўмаклаштириш;

-савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда иқтисодий, тижорат ва илмий-техника ахборотлари алмашишни кенгайтириш;

-мамлакатимиз товарларининг хорижий бозорларга кириб бориши, шу жумладан, конференциялар, кўргазмалар, кўчма ярмаркалар ва реклама ўтказиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш;

-тижорат битишувлари ва бошқа шартномалар бажарилишини таъминлаш;

-машиналар, асбоб-ускуналар, товарлар ва хизматлар экспорти ва импортини ривожлантиришга самарали кўмаклашиш, уларга техника хизматлари кўрсатиш, жаҳон техникасининг энг янги ютуқлари билан таништириш мақсадида очилиши кўрсатилган.

Шу билан бирга чет элдаги ваколатхоналар 1) бош ваколатхона 2) минтақавий ваколатхона 3) ваколатхона шаклида бўлиши кўрсатилган. Уларнинг бошлиқлари уч йилга, бошқа хизматкорлар икки йилга ишга йуборилиши кўрсатилган.

Чет элдаги юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиал ва ваколатхоналар очиш ҳуқуқига эга эканлиги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 14 моддасида кўрсатилган. Чет элдаги юридик шахсларнинг филиал ва ваколатхоналари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилиб, ўзига хос томони, бу уларнинг юридик шахс мақомига эга эканлиги ҳисобланади. Уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши агар қонунда бошқа ҳол назарда тутилмаса Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Чет эл юридик

шахсларининг тузилиш шакллариининг қандай бўлишига кўра уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этиладиган филиал ва ваколатхоналари ҳам шундай шаклда бўлиб, бир-бирларидан ажралиб туради. Масалан чет эл жамоат фондиниинг Ўзбекистон Республикасидаги филиал ва ваколатхонаси «Жамоат фондлари тўғриси»даги қонуннинг 13- моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади ва унга рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома берилади, Чет эл фондларининг ваколатхоналари ва филиаллари давлат рўйхатидан ўтказилиши учун қуйидаги ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органга топширилади:

- рўйхатга олиш тўғрисида фонд ваколатли органининг аризаси;
- фонднинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган, фонднинг ваколатхонаси ёки филиали тўғрисидаги низом;
- ваколатхона ёки филиал мол-мулкани бошқариш учун фонднинг ваколатли органи томонидан берилган ишончнома;
- фонднинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва уставнинг ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатларнинг белгиланган тартибда легаллаштирилган ҳамда давлат тилига таржима қилинган матни;
- давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати тақдим этилади.

Чет эл банкининг Ўзбекистон Республикаси ваколатхонасини ташкил қилиш «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг банклари ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби тўғрисида»ги низомга кўра амалга оширилиб, хорижий давлатнинг банкининг ваколатхонаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан аккредитация қилинади ва унга аккредитация тўғрисида сертификат берилади ва у уч йил муддатга аккредитация қилинади, чет эл банки ўз ваколатхонасини очиш учун банк ўзининг давлатида камида беш йил мобайнида фаолият кўрсатаётган, банк тизимида яхши обрў-эътиборга ва мустақкам молиявий ҳолатга эга бўлиб, ушбу маълумотлар Банкни рўйхатдан ўтказган давлатнинг банк назорати органи томонидан тасдиғланиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда филиал ва ваколатхоналарнинг иш фаолияти ҳар хил меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади, бу эса ноқулайликларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис биз шуни таклиф этмоқчимиз, яъни бу соҳанинг иш фаолиятини аниқ ва тўлиқ тартибга солиб турувчи қонун қабул қилинса филиал ва ваколатхоналар ташкил этиш соҳаси яна ҳам жадал ривожланган булар эди.

1.2. Қўшма корхоналарни ташкил қилиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби.

Қўшма корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш уни ҳуқуқ субъекти сифатида тан олиш имкониятини юзага келтиради. Ҳ.Раҳмонқуловнинг фикрича, амалдаги ФК юридик шахсларнинг вужудга келиши ва тан олинишига бағишланган қоидалар мутлоқ бошқача мазмун касб этди¹⁷. ФКнинг 42-моддасига асосан Юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади. Мулкдорлар, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи субъектлари ёхуд улар вакил қилган шахслар юридик шахсларнинг муассислари ҳисобланади.

Ж.И.Юлдашевнинг фикрича, ҳуқуқ назариясидан маълумки, фуқаролик ҳуқуқи субъектлари орасида фақат юридик шахслардагина вужудга келиш тушунчаси мавжуд, зеро фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланган фуқаролар ва давлатга бундай тушунча қўлланилмайди. Фуқаролар ва давлат субъект сифатида ўз-ўзидан мавжуд. Гарчи фуқароларда субъектлик ҳолати улар туғилганидан сўнг вужудга келсада, фуқароларнинг «вужудга келиши асослари» атамаси мантиқий асосга эга эмас¹⁸.

Муайян давлат томонидан чет эллик юридик ёки жисмоний шахс ҳуқуқ субъектиликни тан олиниши ушбу хорижий юридик ва жисмоний шахсларга мазкур давлатдаги субъектлар билан битим тузиш ва ушбу давлатда ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга оширишга имконият яратиб беради.

¹⁷ Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари. –Тошкент, ТДЮИ. 2010. -248- б.

¹⁸ Юлдашев Ж. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. -Т.:ТДЮИ.2004. -84 б.

Бундай ҳолларда амалда барча давлатларда чет эллик жисмоний шахс мазкур давлат фуқаролари эга бўлган ҳуқуқлардан (сиёсий ҳуқуқлардан ташқари) фойдаланади. Шунингдек жисмоний шахс хўжалик фаолиятини амалга оширишни режалаштирган бўлса, у бу фаолият билан шуғулланиши учун доимий турар жойга эга бўлиши ва тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган бўлиши талаб қилинади.

Чет эллик юридик шахс ҳуқуқ лаёқатини тан олиш бироз қийинроқ бўлиб ҳисобланади. Бу биринчи навбатда юридик шахс давлат ҳокимият органи махсус ҳужжати асосида ташкил этилиши, ҳуқуқ субъекти ҳуқуқини бериш давлат ҳадяси сифатида кўрилиши билан изоҳланади. Шу сабабли чет эллик юридик шахснинг ўзга давлатда тан олиниши гўё бошқа ҳокимият «ҳуқуқи»ни қабул қилинишидек намоён бўлади.

Миллий доктриналар чет эллик юридик шахсни тан олишга турлича ёндашади. Бир қатор давлатларда (аввало АҚШ ва Буюк Британияда) агар юридик шахс ушбу давлат томонидан тан олинган давлатларда ташкил этилган бўлса, юридик шахс сифатида тан олинади. Бунга мисол: АҚШ биринчи инстанция судлари АҚШ томонидан давлат суверенитети тан олинмаган давлатлар юридик шахсларини АҚШ да чет эллик юридик шахс деб топиш ҳақида мурожаатларни қабул қилмайди.¹⁹ Бу эса халқаро савдо оборотининг ноқулайлиги ва нобарқарорлигига олиб келади.

Бошқа бир қатор давлатларда (масалан, Францияда) юридик шахс тан олиниши учун юридик шахс мансуб бўлган давлат билан халқаро шартнома тузилган бўлиши талаб қилинади.

Учинчи гуруҳ давлатларда чет эллик юридик шахсни тан олиш икки томоннинг бир-бирига муносабати, ўзаро дўстлиги принципи асосида ҳал қилинади. Бунда юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати доираси нисбати ҳам инобатга олинади.

Англияда чет эллик юридик шахсни хўжалик фаолиятини юритишга руҳсат бериш «Компаниялар тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади.

¹⁹Функ Я, Хвалей В. Курс международного торгового права. -Минск: «Амалфея», 1999. – С. 66-67.

Бунда чет эллик компания (Oversea company) Англия доирасида амал қилса компания ҳисобланади.

АҚШда бундай юридик шахс одатда, «хорижий корпорация» (foreign corporation) деб аталади. Бунда хорижий корпорация деганда хорижий юридик шахсгина тушунилмасдан АҚШнинг бошқа штатида рўйхатдан ўтган юридик шахс ҳам тушунилади. Чунки АҚШ ҳар бир штати ўзининг корпорация тўғрисидаги қонунига эга бўлади.

Хорижий юридик шахс бир марталик савдо операциясини амалга оширгандагина унга муайян чеклов ва шартлар қўйилиши мумкинлиги АҚШ ва Англия қонунчилигида ўз аксини топган.

Хорижий юридик шахс чет эл компанияси (корпорацияси) сифатида эътироф этилиши учун Англияда манфаатли жойга эга бўлиши (peace of business) талаб этилади. Манфаатли ҳамкорликни амалга ошириш учун, масалан, Англияда хорижий компания фаолиятини бошлагандан сўнг бир ой ичида савдо реестрига тегишли расмий ва процессуал ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Бундан ташқари Англия ҳудудида фаолият юритаётган хорижий компания ёки қўшма корхона солиқ ҳисоботи ва фаолият балансларини тақдим этиши керак.

АҚШ да хорижий корпорация фаолиятини амалга оширишга рухсат беришнинг махсус тартиби мавжуд. Хорижий корпорация штат котибиятига корхонага доир тегишли ҳужжатлар ҳақида ва штат ҳудудида корпорацияга фаолият юритиши ҳуқуқини берувчи рухсатнома (certificate of authority? certificate of gualification)ни бериш ҳақида аризани беради. Агар бу талаб бажарилмаса, хорижий корпорация судга даъвогар сифатида мурожаат этолмайди, корхона мансабдор шахси жавобгарликка тортилади. Бу тартибга риоя этмасдан тузилган хорижий корпорация битимлари ҳақиқий эмас деб топилади.

Франциянинг 1967 йилги савдо реестри тўғрисидаги Декрети хорижий савдо жамиятлари (societe commerciale strangere) фаолият юритиши учун муайян талабларни кўзда тутди.

Бу талаблар хорижий юридик шахс Францияда доимий манзилга эгалиги, яъни у бўлим, агентлик ёки бошқа шаклдаги доимий манзилга (succersale, agence, tout autre ctblissement) эгалиги билан боғлиқ масалани ҳал этишга қаратилган. Агар хорижий юридик шахс ўз фаолиятини Франция ҳудудида амалга оширмоқчи бўлса, бунда у ўз агентлиги, филиали ва бошқаларни савдо реестридан ўтказиши керак бўлади. Уларни рўйхатга олишда француз савдо жамиятлари ва ширкатларига қўлланувчи қоидалар қўлланилади.²⁰

Хорижий савдо жамиятларининг фаолиятларини ўз бўлимлари орқали Италияда юритмоқчи бўлган юридик шахсларга қўлланувчи махсус шартлар Италия Гражданлик Кодексида белгиланган. Бунда хорижий савдо жамияти ёки ширкати Италияда бўлимини очмоқчи бўлса, уни рўйхатдан ўтказиш итальян савдо жамият ва ширкатларига қўйилган қоидалар асосида амалга оширилади. Реестрда ваколатли шахс фамилияси ва имзо намунаси ўз аксини топади. Бунда қизиқ томони шундаки, Италия қонунчилигида мавжуд бўлмаган шаклдаги хорижий юридик шахс акционерлик жамияти шаклида рўйхатдан ўтади. Рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя қилмаган хорижий юридик шахс ўз фаолияти юзасидан чекланмаган солидар жавобгарликни олади.

ГФР қонунчилиги Германия ҳудудида хўжалик фаолияти юритмоқчи бўлган юридик шахсларга бир қатор шартлар қўяди. Хорижий юридик шахс ўз фаолиятини юритадиган ер (округ) хўжалик министрлигидан махсус рухсат олиши керак бўлади. Рухсатномада амалга ошириш мумкин бўлган фаолият тури кўрсатилади. Бунда рухсатнома бериш тегишли давлат ГФР томонидан белгиланган юридик шахсларнинг ҳуқуқ субъектлигини тан олмаганда, хорижий юридик шахс инвестиция капитали ГФРдаги хўжалик жамияти ва ширкатлари учун белгиланган минимал миқдордан кам бўлганда рад этилади. Агар хорижий юридик шахс ўз филиалини ГФР ҳудудида очса у ГФРдаги хўжалик жамиятлари ва ширкатлари учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиши лозим бўлади.

Ҳ.Раҳмонқуловнинг таъкидлашича, қонун чиқарувчи юридик шахсларнинг айрим ташкилий-ҳуқуқий шакллари учун уларни ташкил этишни

²⁰ Функ Я, Хвалей В «Курс международного торгового право» Минск: «Амалфея» 1999й. 70-бет.

муайян тартиб ва усулларини ўрнатганки, булар фармойиш бериш, рухсат ва хабардор қилиш усуллари²¹. Бизга фуқаролик ҳуқуқидан маълумки юридик шахслар қуйидаги усулларда вужудга келиши мумкин:

1. Буйруқ (фармойиш) орқали. Бунда юридик шахс ваколатли орган томонидан чиқарилган ҳуқуқий акт асосида ташкил топади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида кўплаб кўшма корхоналар фаолият юритмоқда.

Масалан, Хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда геология-қидирув ишларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юқори технологиялар индустриясини ривожлантириш учун хом ашё базаси ҳисобланган қаттиқ фойдали қазилмалар қазиб олишни янада кенгайтириш мақсадида 2008 йил 8 сентябрда ташкил этилган Ўзбекистон-Корея «Uz-Kor Silicon»²² бунга мисол бўла олади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 августдаги 251-сонли “Uz-china uran” масъулияти чекланган жамият ўзбекистон-хитой кўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги²³, 2008 йил 11 август, 178-сонли ўзбекистон-корея «Uz-shindong silicon» масъулияти чекланган жамият кўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги²⁴, 2004 йил 19 май, 238-сонли «Кўқонхофтўқимачи» Ўзбекистон-Германия кўшма корхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги, 2004 йил 8 январдаги 8-сонли Ўзбекистон-Туркия «Бурсел-Тошкент Текстиль» Кўшма Корхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарорлар ва бошқаларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

2. Мурожат қилиш усули. Бунда муассислар томонидан тузилиши кутилаётган юридик шахсларнинг вужудга келиш имконияти қонун томонидан олдиндан белгилаб қўйилмаган бўлади. Яъни, юридик шахсни ташкил этиш истагида бўлган шахс - муассис қонунда тақиқланмаган исталган фаолият турига ихтисослашган ҳамда хоҳлаган ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик

²¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳлар. 1-жилд. –Тошкент, Виктор – пресс. 2010. -111 б.

²² Ўзбекистон-Корея «Uz-Kor Silicon» Масъулияти чекланган жамият Кўшма Корхонасини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 371-модда

²³Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 35-сон, 387-модда

²⁴Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 33-сон, 316-модда

шахсни ташкил этиши мумкин. Бинобарин, бундай ҳолларда давлат органи худди шундай юридик шахснинг ташкил этилиш ва этилмаслигининг мақсадга мувофиқлигини текширмайди, фақат унинг таъсис ҳужжатлари қонунга мувофиқлиги текширилади. Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга²⁵ асосан ташкил этилаётган ташкилотлар (банклар, оммавий ахборот воситалари бундан мустасно) айнан мурожаат усули орқали вужудга келмоқда²⁶.

3. *Рухсат олиш усули.* Бундай усулда ташкил топадиган юридик шахсларнинг вужудга келиш имкониятлари қонунларда олдиндан белгилаб қўйилади ва бинобарин, уларнинг ташкил бўлиш-бўлмаслиги мақсадга мувофиқлиги текширилмайди, балки таъсис ҳужжатларининг (юридик шахсларни ташкил этиш ҳақидаги таъсис шартномаси ва уларнинг устави) қонунга мувофиқлиги текширилади, холос.

Бу усулда юридик шахсни тузиш олдиндан белгиланганлиги боис, давлат органи уни ташкил этишнинг мақсадлилигини текширади. Собик Иттифок даврида рухсат бериш усули орқали рўйхатдан ўтказишда мақсадга мувофиқ эмас, деган важ билан рўйхатдан ўтказиш рад этилишига йўл қўйилар эди. Бироқ ҳозир юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деган важ билан рўйхатдан ўтказиш рад этилишига йўл қўйилмайди. Бу бевосита ФКнинг 44-моддаси 2-қисмида ўз ифодасини топган.

Айрим олимлар ҳам рухсат бериш усули тижоратчи ташкилотларга хос эмаслигини таъкидлайдилар²⁷. Лекин амалда айрим корхоналар айнан шу усулда ташкил этилмоқда. Россия Федерациясида тижоратчи юридик шахсларнинг бирлашмалари (уюшма, ассоциация)ни ташкил этиш учун Федерал монополияга қарши кураш органининг рухсати талаб қилинади. Россия ва кўпгина Европа давлатларида суғурта ташкилотлари ва банклар рухсат олиш

²⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006, 20-21-сон, 174-модда.

²⁶ Зокиров И. Фуқаролик ҳуқуқи. Тошкент, ТДЮИ, 2009.

²⁷ Нгуен Тхань Дык ўз ишида юридик шахсни ташкил этишнинг рухсат бериш тамойили ва махсус ҳуқуқ лаёқатини бекор қилишни асослашга ҳаракат қилади// Нгуен Тхань Дык. Правовое регулирование создания и деятельности акционерных компании во Вьетнаме. Автореф. дисс... к. ю. н. -Алмааты: 1997. -4 с.

усулида вужудга келади²⁸. Айрим муаллифлар қонундан мустасно ҳолда тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи бир қатор юридик шахслар шу усулда вужудга келаётганлигини, бу фуқаролик муомаласидаги барча иштирокчиларнинг умумий қизиқишларини ўз ичига олган ҳолда ваколатли органнинг рухсати билан боғлиқлигини ва бу усулда тижорат банклари ҳамда суғурта компаниялари ташкил топаётганлигини таъкидлайдилар²⁹. Мамлакатимизда тижорат банклари рухсат олиш усулида ташкил бўлаётганлигини таъкидлайди. 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасига асосан лицензия беришдан олдин Марказий Банк аризачиларга банк ташкил этиш соҳасидаги фаолиятларини давом эттириш имконини берадиган дастлабки рухсатномани беради. Дастлабки рухсатномани бериш тўғрисидаги қарор ариза ва у билан бирга барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб кўпи билан уч ой ичида қабул қилинади ва муассисларнинг молиявий имкониятларини ҳамда обрўсини, банк раҳбарлигига таклиф этилаётганларнинг касб малакаларини, бизнес-режани, молиявий режани, капиталнинг тузилишини, тегишли банк бинолари ва ускуналар билан таъминлаш имкониятларини баҳолашга асосланади. Демак, Марказий банк томонидан бериладиган рухсат орқалигина банк ташкил этилиши мумкин.

Айрим адабиётларда юридик шахсларнинг вужудга келиши айнан шу каби буйруқ, мурожаат ва рухсат этиш усулларининг анъанавий бўлиши юридик шахсларни вужудга келишида давлат органлари иштирокининг характери билан боғлиқ³⁰. Айрим муаллифлар бошқача ном ва шаклда бу усулларни келтириб ўтадилар. Масалан, буйруқ, рухсат ва норматив-қатнашиш усуллари³¹ ёки буйруқ тартибида (давлат ва маъмурий тузилмалар юридик шахслари), оддий таъсис этиш тартибида (хусусий корхоналар), ўзаро келишув тартибида (АЖ, МЧЖ, ҚМЖ, кўшма корхоналар)³² ёхуд юридик шахслар вужудга келиши билан боғлиқ фикрлар шулар жумласидандир.

²⁸ Гражданское право Под.ред. С.П.Сергеева. Ю.К.Толстого. -М.: Проспект, 1999. Ч.1. -131-132 с.

²⁹ Гражданское право. Учебник. Отв.ред. Е.А.Суханов -М.: БЕК, 1998. Т.1. –197 с.

³⁰ Гражданское право. Под.ред. С.П.Сергеева. Ю.К.Толстого -М.: Проспект, 1999. Ч.1. –127 с.

³¹ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. –Тошкент: O'zbekiston. 2008. –86 б.

³² Абдусаломов М.А. Тadbиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари ва муаммолари. Юрид. фан. номз... дис. Автореферати. -Тошкент: 2003. -11 б.

Бундан ташқари соҳавий юридик шахсларнинг ташкил этиш усуллари ҳақидаги фикрлар ҳам бор³³. Бундай турлича талқиндаги юридик шахснинг вужудга келиш усуллари юридик шахсларни вужудга келиш назариясининг бойишига хизмат қилади.

Юридик шахс мурожаат қилиш ва рухсат олиш усуллари орқали ташкил топганда, албатта, уни ташкил қилувчилар ташаббускор гуруҳ бўлади. Бу гуруҳ фуқаролар (жисмоний шахслар) дан ҳам, юридик шахслардан ҳам иборат бўлиши мумкин. Улар муассислар ёки таъсисчилар деб аталади. Таъсисчилар орасида давлат ҳам, унинг органлари ҳам бўлиши мумкин. Муассислар кўп ҳолларда юридик шахснинг мол-мулкини вужудга келтиришга ўз улушини кўшади. Бу улушлар асосида устав фонди ташкил топади.

Кўшма корхоналар юридик шахс сифатида ташкил топганда кўпроқ **мурожаат этиш усули** билан ташкил топади. Бироқ айрим турдаги фаолият билан шуғулланиш учун рухсат олиш тизими белгиланган бўлса, бу соҳага доир кўшма корхона ташкил этиш учун олдиндан лицензия олиш талаби қўйилади. Шу сабабли ҳам бу ўринда кўшма корхона ташкил топишда рухсат олиш усули ҳам қўлланади деган фикрлар мавжуд.

Мамлакатимизда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизими борган сари энгиллашиб бормоқда. Масалан, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш учун қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш ва харажатларини камайтириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 майдаги ПҚ-1529-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори»³⁴га кўра 2011 йил 1 июндан ходимларининг йиллик ўртача сони 50 кишидан 100

³³ Ш.Рўзиназаровнинг фикрича, аграр соҳада юридик шахсларни ташкил этишнинг ҳуқуқий шакли сифатида шартномавий усул мавжуд //Рўзиназаров Ш.Н. Бозор шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми. –Тошкент: Адолат, 1997. -11 б. Лекин Т.М.Туребеков ва Б.А.Ногаевлар бу усулни мурожаат этиш усулининг таркибий қисми сифатида кўрадилар// Туребеков Т.М. Общественные объединения как субъекты гражданского права. Автореф. дисс... канд.юрид.наук. -Ташкент: 2002. -17 с.; Ногаев Б.А. Религиозные организации как юридические лица. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. -Ташкент: 2000. -14 с.

³⁴Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 224-модда

кишигача кўпайтириладиган кичик корхоналарнинг фаолият турлари рўйхати кенгайтирилди.

2011 йил 1 июндан янги ташкил қилинаётган масъулияти чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятлар устав фонди (устав капитали)нинг энг кам ҳажми давлат рўйхатидан ўтиш учун ҳужжатлар тақдим этилган санада қонунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг қирқ бараваридан кам бўлмаслиги; тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларнинг аризасига кўра, намунавий таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилиши; туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича тегишли инспекцияларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақи миқдорининг бир бараварига тенгдир; тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда нотариал тарзда тасдиқланган таъсис ҳужжатларини тақдим этиш ҳақидаги талаб бекор қилинади, хорижий инвестицияли корхоналар ва чет эл сармояси иштирокидаги бошқа корхоналар бундан мустаснолиги белгиланди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган намунавий таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2011 йилнинг 1 июнидан муассислар ёки рўйхатдан ўтказувчи органнинг электрон буюртмасига кўра, интернет тармоғи орқали фирма номларининг марказлашган маълумотлар базасида хўжалик юритувчи субъектнинг фирма номини захира қилиб қўйиш амалиётини жорий этилди. Мазкур қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга тегишли ўзгартириш киритилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида сўраб олинadиган қулай фирма номларини захирага олиш таъсисчиларнинг ўзлари томонидан ёки рўйхатга олаётган орган томонидан электрон талабнома асосида Интернет тармоғи орқали амалга оширилади. Электрон захирага олиш тизими ва фирма

номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасининг ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланади.

Юридик шахсларнинг фирма номини захирага олиш Ўзбекистон Республикасининг «Фирма номлари тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Фирма номини захирага олиш учун таъсисчилар рўйхатга олувчи органга оғзаки мурожаат қилган тақдирда, рўйхатга олувчи органнинг масъул ходимлари электрон талабномани бир соат ичида Интернет тармоғи орқали расмийлаштиришлари лозим. Фирма номини захирага олиш учун электрон талабномани олгач Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг масъул ходимлари фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасига тегишли ёзувни киритиш йўли билан, 8 иш соатидан ошмаган муддатда, қулай фирма номини захирага олиш бўйича зарур ҳаракатларни амалга оширишлари шарт.

Оғзаки мурожаат, электрон талабномани қабул қилиш ва қулай фирма номларини захирага олиш учун тўлов ундирилмайди. Захирага олинган фирма номининг амал қилиш муддати захирага олиш санасидан бошлаб 60 кунни ташкил қилади»;

Давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг икки асл нусхаси (юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этиладиган таъсис ҳужжатлари - устав ёки таъсис шартномаси ва устав ёки фақат таъсис шартномаси, бунда масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун - таъсис шартномаси ва устав, тўлиқ ва коммандит ширкатлар учун эса - фақат таъсис шартномаси, акциядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари ҳамда юридик шахс бўлган деҳқон хўжаликлари учун - фақат устав). Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналар учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб этилади.

Ҳозирги ФК 44-модда 2-қисмига асосан (Россия Федерацияси Гражданлик кодекси 51-модда 1- банд 2-қисм бўйича ҳам) юридик шахсни

ташкил этиш мақсадига мувофиқ эмас, деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди³⁵ деб кўрсатиб ўтилган.

Бироқ баъзи муаллифлар, жумладан И.В.Елисеев амалда ушбу қоида тўлиқ кучга эга бўлмаётганлигини кўрсатиб ўтган.³⁶ Ушбу муаммо тадқиқот мавзуси учун муҳим аҳамиятга эга. Масалан, айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатномалар, лицензиялар асосидагина шуғулланиши мумкин. Бинобарин юридик шахс ўша фаолият билан шуғулланадиган бўлса, ўз номига лицензия олиши лозим. Маълумки, қўшма корхоналар ҳар доим аниқ ва муайян мақсадни кўзлаб, муайян фаолият соҳасида иш юритишни назарда тутиб тузилади. Қўшма корхоналар юридик шахс сифатида ташкил топаётган вақтда унга нисбатан ҳеч бир эътироз бўлмаслиги мумкин. Бироқ ташкил топгандан сўнг тегишли фаолият билан шуғулланиш учун лицензия беришни сўраб қилган мурожаатномаси мақсадга мувофиқ эмас деган асос билан рад этилиши мумкин. Бу ҳолда юридик шахсни ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этилганлиги формал аҳамиятга эга ҳолос. Аслини олганда фаолият юритиш имкониятидан маҳрум бўлган юридик шахс субъект сифатида у «вужудсиз соя»нинг ўзи, ҳолос. Бизнинг фикримизча, бу муаммодан чиқиш учун қўшма корхоналар ташкил этмоқчи бўлган муассисларга қўшма корхонага ўтказиш ҳуқуқи билан лицензия олиш ҳуқуқини бериш керак. Бу ҳолда қўшма корхона рўйхатдан ўтгандан сўнг дарҳол ўз фаолиятини бошлаш имкониятига эга бўлади.

Айни пайтда, ФК 44-модда 2-қисмига ҳам ўзгартириш киритиш лозим. Бунда 44-модда 2 қисми охириги жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилиши мақсадга мувофиқ: «Қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари, юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди. Ушбу ҳолат қонунда ўз аксини топса, турли англашилмовчиликларга барҳам берилган бўларди.

Юридик адабиётларда қўшма корхона таъсис шартномаси ҳуқуқий табиати ҳақида ҳам турли қарашлар мавжуд. Масалан, М.М.Богусловский, Н.А.Мосляев, П.А.Панкратов, Б.Б.Самарходжаевлар «Таъсис шартномаси ташқи

³⁵ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Тошкент: «Адолат». 1996й. 25-бет.

³⁶Гражданское право: под.ред. Ю.К.Толстого, А.П.Сергеева. Санкт-Петербург: БЕК-1996. С.147.

иктисодий битим туркумига киради»³⁷, деб ҳисоблайди. Н.Н.Вознесеский эса бу фикрга эътиров билдиради ва «таъсис шартномаси юридик шахс ташкил этиш ҳақида шартнома, холос» деган ғояни илгари суради.

Б.Б.Самарходжаев фикрича, чет эл инвестицияларини жалб қилиш республикамиз ташқи иқтисодий фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бунинг устига, таъсис шартномасининг муҳим шартларидан бири хорижий инвесторлар томонидан қўшма корхона устав фондига бадал киритиш ҳисобланади ва бунда хорижий сармоя мамлакатга киритилади. Фикримизча, бу нуқтаи назар илмий жиҳатдан асосли ва «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонунда берилган тушунчага мос келади.

Чет эллик инвестор иштирокидаги, яъни чет эл инвестицияси иштирокидаги қўшма корхона ташкил этиш тартиби «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунларда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июлдаги «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида»ги 336-сонли қарори, «Гадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Хорижий сармоядор Ўзбекистон ҳудудида юридик шахс ташкил этар экан, унинг ҳуқуқий шарт-шароити республика қонунчилиги билан белгиланган тегишли шароитдан ёмон бўлиши мумкин эмас. Яъни уларга нисбатан миллий режим қўлланилади. Шунингдек хорижий сармоядорлар ҳуқуқий шароитини белгилашди давлатлар ўртасида инвестицияларини ўзаро ҳимоялаш ҳақидаги битимлар муҳим роль ўйнайди. Бу битимларда белгиланган режим хорижий сармоядорларга нисбатан қўлланилади.

Хорижий инвестиция иштирокидаги ёки хорижий сармоядорга тўла тегишли юридик шахсни ташкил этишда қонун талабларига риоя қилиш ҳар доим ҳам ички бозорда фаолият бошлашга рухсат бермайди ёки рухсат олиш

³⁷Самарходжаев Б.Б. Гражданско-правовое регулирование создание и деятельность совместных предприятий, Автореф. Дисс к.ю.н. - Т.: 1994.

учун етарли шарт бўлавермайди. Юридик шахс ҳуқуқ субъекти ва фараз қилинган хўжалик фаолиятини амалга оширишга рухсат этилган, деб тан олинган бўлиши лозим.

Хорижий инвесторнинг юридик шахс сифатида ҳуқуқ лаёқатига эга ёки эга эмаслиги, яъни ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинганлиги Ўзбекистон фуқаролик қонунчилигига асосан у таъсис этилган давлат ҳуқуқи билан аниқланади. Демак, хорижий сармоядорнинг ҳуқуқ субъекти ва фараз қилинган (масалан, ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этиш) хўжалик фаолиятини амалга оширишга рухсат этилганлигини аниқлашда бевосита хорижий сармоядор ташкил қилинган давлат қонунчилиги қўлланади ва тегишли ҳокимият органлари ёрдамида бу масала ҳал этилади. Шу ўринда қонунда ва Президент Фармонида³⁸, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорида³⁹ кўшма корхона тузиш учун хорижий сармоядорнинг, албатта камида биттаси юридик шахс бўлиши ҳақидаги талабининг бежиз киритилмаганлиги сабаби ҳақида тўхталиб ўтиш лозим.

Юридик шахс ҳуқуқ субъектлиги ,фараз қилинган хўжалик фаолияти билан шуғулланиши ҳуқуқига эга эканлигини аниқлаш жисмоний шахсларнинг хўжалик фаолияти билан шуғулланиш ва бунинг учун уларда етарли имконият ҳамда шароитлар мавжудлигини аниқлашдан кўра осонроқ. Шу сабабли, юридик шахслар ҳақидаги маълумотлар улар билан ҳамкорлик қилиш масаласини осонлаштиради. Жисмоний шахслар тўғрисида етарли маълумот йиғиш, улар имкониятини аниқлаш кўп қийинчилик тўғдиради ва охир-оқибат яхши натижага олиб келмаслиги мумкин.

Хорижий сармоядор иштирокидаги юридик шахс ёки хорижий сармоядорга тўла тегишли юридик шахс миллий юридик шахс деб танилиши учун уни қабул қилаётган давлат ички қонунчилигига мувофиқ вужудга келиши, рўйхатдан ўтиши ва хўжалик фаолияти субъекти деб тан олиниши лозим. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига биноан хорижий сармоядорлар

³⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий сармоядорлар иштирокидаги корхоналарга бериладиган кўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлари тўғрисида»ги Фармони. 1996 йил 30 ноябр, №УП-1652 1-банди.

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июлдаги, №336 қарори.

иштирокидаги корхоналар ва хорижий инвесторга тегишли корхона рўйхатдан ўтказилади. Ҳозирда шундай юридик ҳужжат бўлиб Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни, халқаро бирлашмаларини ва ташкилотларни, шунингдек, уларнинг фаолият тартиб тўғрисида»ги 1997 йил 2 июлдаги 336-сонли қарори билан тасдиқланган Низом ҳисобланади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти босқичма-босқич қарор топмоқда. Хорижий элемент иштирокидаги юридик шахсларни ташкил қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолият тартиби ҳақидаги ҳужжатлар ҳам босқичма-босқич мукамаллашиб бораяпти. Бу ҳақда биринчи юридик ҳужжат, яъни Низом 1991 йил 12 ноябрда қабул қилинган. Бу Низомда рўйхатга олиш тартиби ўта мураккаблашганлиги, рўйхатга олиш муддатининг кўп вақти чўзилиши хорижий инвесторларга қийинчилик туғдирар ва бу ҳол хорижий инвесторларнинг қизиқишларининг сўнишига маълум маънода сабаб бўларди. Ушбу Низомда хорижий сармоядор иштирокидаги юридик шахснинг устав фонди белгиланмаган, қатнашчилар қўшадиган улуш миқдори эса томонлар келишуви билан белгиланиши назарда тутилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июлдаги 336-сонли қарори республикада хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини соддалаштирди, қўшма корхона ташкил этишнинг демократик тамойилларини мустаҳкамлади ва қарор ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги зиммасига юкледи.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш йўли билан янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш

тўғрисида”ги Қарори⁴⁰ қабул қилинди. Давлат солиқ ва статистика органларида хисобга қўйиш билан хабардор қилиш асосида давлат рўйхатидан ўтказиш:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли қарорлари билан акциядорлик компаниялари (шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялар ва холдинглар) шаклида ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, бозорлар ҳамда солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан; тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, бозорлар ҳамда солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар - Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар адлия бошқармалари томонидан; қолган барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида ва вилоятлар адлия бошқармаларида давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун - энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари ва 500 АҚШ доллар миқдорларда давлат божи тўланади:

Қўшма корхонани юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш учун ариза берувчи (муассис ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ муассислар томонидан вакил қилиб тайинланган шахс) рўйхатдан ўтказувчи органга шахсан келиб ёки почта орқали ариза-хабарнома тақдим этади. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза-хабарномага:

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 20-21-сон, 174-модда; 2007 й., 12-сон, 108-модда; 2009 й., 1-2-сон, 2-модда; 2010 й., 17-сон, 130-модда, 44-45-сон, 378-модда, 52-сон, 513-модда; 2011 й., 12-13-сон, 114-модда, 22-23-сон, 224-модда; 2012 й., 32-сон, 374-модда; 2012 й., 40-сон, 466-модда

давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси (юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этиладиган таъсис ҳужжатлари бўлиб устав ёки таъсис шартномаси ва устав ёки фақат таъсис шартномаси, бунда масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун - таъсис шартномаси ва устав, тўлиқ ва коммандит ширкатлар учун эса - фақат таъсис шартномаси, акциядорлик жамиятлари учун - фақат устав);

давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати

бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотноманинг асл нусхаси;

уч нусхада муҳр ва штамп эскизлари илова қилинади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

-хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналар учун:

хорижий муассис тўғрисида юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги савдо реестридан олинган, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан белгиланган тартибда легализация қилинган, булар мавжуд бўлмаган тақдирда, муассис рўйхатдан ўтказилган давлат Ташқи ишлар вазирлигида мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасасида ёки дипломатик ваколатхонасида легализация қилиниб, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармасида тасдиқланган кўчирма тақдим этилади. Хорижий муассис тўғрисида савдо реестридан кўчирмада хорижий юридик шахснинг номи, унинг жойлашган манзили, устав фонди миқдори, ташкилий-ҳуқуқий шакли, рўйхатдан ўтказилган санаси, фаолият кўрсатиш муддати ҳамда хорижий юридик шахс номидан имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳақида маълумотлар кўрсатилиши керак. Ушбу кўчирма берилган пайтдан бошлаб 1 йил муддат ичида ҳақиқий ҳисобланади. Жисмоний шахс - норезидент

Ўз паспортининг нусхаси тақдим этади. Ушбу ҳужжатлар давлат тилига таржима қилинган, таржима белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши керак. Агар хорижий муассиснинг корхона (ташкilot) устав фондида улуши интеллектуал мулк бўлса, у ҳолда ариза берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда баҳоловчи томонидан тузилган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиши керак;

ҳар бир таъсисчи томонидан корхона устав фондидаги ўз улушининг 30 фоизини киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (вақтинчалик сўмлардаги ва валютадаги жамловчи ҳисоб рақамларига пул маблағлари киритилганлиги ҳақида банк маълумотномаси, мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганлигини тасдиқловчи божхона ҳужжати, мол-мулкни топшириш-қабул қилиш далолатномаси, киритилаётган мол-мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ва бошқалар);

қўшма корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш билан бир вақтда тегишлича, адлия органлари ёки туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан амалга оширилади.

Зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ариза-хабарнома топширилган санадан бошлаб давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома бериш билан тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишгача бўлган муддат 2 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатни ташкил қилади.

Қўшма корхоналар учун давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- тегишли бўлмаган рўйхатга олиш органига мурожаат қилиш;
- кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганлиги.

қўшма корхоналар учун давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун яна қуйидагилар асос бўлади:

таъсис ҳужжатлари ва муҳр ҳамда штамп эскизларида кўрсатилган фирма номининг бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи

мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотномада кўрсатилган фирма номига мос келмаслиги;

таъсис хужжатлари ва муҳр ҳамда штамп эскизларида кўрсатилган ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шакл турларига мос келмаслиги;

таъсис хужжатларида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан таъқиқланган фаолият турларининг кўрсатилиши.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун қўшимча равишда қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

хорижий инвестициялар улуши миқдорининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун белгиланган улуш миқдорига мос келмаслиги;

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар муассислари таркибида хорижий юридик шахснинг бўлмаслиги.

Зарур рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидалари тугагандан кейин рўйхатдан ўтказувчи орган белгиланган муддатда:

Қўшма корхоналарга юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ва рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган, "рўйхатдан ўтказилди" деган белги қўйилган таъсис хужжатларини, шунингдек муҳр ва штамп эскизи билан биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани беради. Барча зарур хужжатлар тадбиркорлик субъектига бир вақтда берилади. Тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги тегишли гувоҳномани олгач ва банк ҳисоб рақамини очгач тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари мумкин.

«Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддаси 2-қисмида кўрсатиладиги, давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан бир йил ичида белгиланган тартибда ўз низом жамғармасини таъсис хужжатида назарда тутилган миқдорда ҳосил қилолмаган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ташкил этилмаган, деб ҳисобланади ва бу қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилади. Ушбу қоида номукамаллиги кўзга

ташланади. Тўғри, муассислар қўшма корхона низом жамғармасини тўлдириши мумкин. Бу ҳолат таъсис шартномасида мустаҳкамланган бўлиши шарт. Бунда ваколатли давлат органи муассислар томонидан дастлабки бадал низом жамғармасига киритилган пайтдан бошлаб низом жамғармаси юзага келади деган презумпцияни қўллайди. Бунда у ёки бу сабабларга кўра муассислар рўйхатга олингандан эътиборан 1 йил ичида низом жамғармасини талаб қилинган миқдор (энг камида 150 минг АҚШ долларига) етказиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги мумкин. Бундай ҳолда қонун қўшма корхоналарни вужудга келмаган, деб ҳисоблайди, у ҳолда ғайритабиий ҳолат юзага келади. Қўшма корхона адлия органларида давлат рўйхатидан ўтган вақтдан эътиборан юридик шахс сифатида мавжуд ва бошқа ҳуқуқ субъектлари билан муносабатга киришади, масалан, шартнома ва битим тузиш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар оладилар. Кейинчалик бу қўшма корхона вужудга келмаган деб топилса, уни ҳуқуқ субъекти сифатида бир йил давомидаги фаолияти, шартнома ва битимлар бўйича ҳуқуқ ва мажбурият тақдири нима бўлади, деган савол туғилади. Албатта, масалага чуқурроқ ёндошсак, бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар охир-оқибатда вужудга келмаган қўшма корхона ҳуқуқий ворислари, яъни муассислар зиммасига тушади.

Лекин бу муаммони бу қадар мураккаблаштириш, қўшма корхона билан ҳуқуқий муносабатга киришган субъектлар олдига сунъий қийинчиликлар қўйишнинг ҳожати бормикан? Шу сабабли ҳам «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддаси 2-қисмининг «ташқил этилмаган деб ҳисобланади ва» деган жумлаларини чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқий актлардаги бундай номувофиқликлардан айрим ноинсоф субъектлар ўз мақсади йўлида фойдаланиш ҳоллари учрайди. Масалан, ёпик турдаги Ўзбекистон–Россия «Адас» акционерлик жамияти муассислари устав фондини бор- йўғи 27,5 фоиз шакллантирган ҳолда давлат рўйхатидан ўтмасдан қимматли қоғоз чиқарган. Унинг 9,5 миллион сўмлик акциясини «Ўзбекинвест» миллий экспорт-импорт суғурта компанияси сотиб олади. Бироқ муассислар ўз вақтида устав фондини шакллантирмаганлиги учун «Адас» қўшма корхонаси вужудга келмаган, деб топилиб, «Ўзбекинвестга»га фақат реал зарар 9,5

миллион сўм ундириб бериш ҳақида Олий хўжалик суди қарор чиқарди. «Ўзбекинвест»ни олинмаган фойдани ундириш ҳақидаги талаби рад этилди.⁴¹ Қонун бундай ҳолларда инсофли тараф манфаатларини тўлароқ ҳимоя қилиши лозим.

Корхоналар ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

А) давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида ариза;

Б) таъсис ҳужжатлари (таъсис йиғилиши протоколи, таъсис шартномаси ва низом)нинг асл нусхалари ва биттадан нотариал тасдиқланган нусхаси;

В) таъсис ҳужжатларида белгиланган устав жамғармаси миқдоридан ўттиз фоизи сўм ва валютадаги вақтинчалик жамғариш ҳисоб рақамларига ўтказилганлигини тасдиқловчи божхона ҳужжати; кўрсатилган 30 фоиз 50 минг АҚШ долларига тенг миқдорига банк тўлов ҳужжати;

Г) корхонани рўйхатдан ўтказилганлик учун белгиланган миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи банк тўлов ҳужжати;

Д) Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси ёки мазкур давлатда Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси бўлмаган тақдирда корхона жойлашган давлатнинг консуллик муассасаси томонидан таржима билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган хорижий муассис тўғрисида у рўйхатдан ўтган жойдаги савдо реестридан кўчирма ва банк тавсияномаси;

Е) рўйхатдан ўтказилаётган корхона уставида фаолиятнинг лицензияланадиган тури мавжуд бўлган тақдирда амалдаги қонунчилик билан талаб қилинадиган ҳужжатлар.

Агар корхонанинг Ўзбекистон томонидан муассаси давлат мулки шаклидаги ёки давлат мулки улуши иштирокидаги корхона бўлса, рўйхатдан ўтказувчи органга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ёки унинг ҳудудий органларининг корхонага бериладиган мол-мулкни баҳолаш ва бериш ҳақидаги қарори тақдим этилади.

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди жорий архиви. 25-1 сонли иш. 1998 й.

Давлат рўйхатидан ўтган корхоналарга унинг рўйхатдан ўтказилган низомининг асл нусхаси, таъсис шартномаси ва рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома берилади. Давлат рўйхатида ўтган пайтдан бошлаб улар юридик шахс мақомини оладилар ҳамда бир ҳафта муддат ичида корхона ва ташкилотларнинг ягона ҳисоб рақамига киритилганлиги ва унга корхоналар ва ташкилотлар умумреспублика классификаторининг идентификация кодлари берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

Ўзбекистонда таъсис этилган ва давлат рўйхатидан ўтган барча қўшма корхоналар Ўзбекистон қонун ҳужжатларига кўра юридик шахс ҳисоблангани учун мамлакатимиз ички қонунларига амал қилади. Лекин баъзи ҳолларда қўшма корхоналар юридик шахс сифатида алоҳида хусусиятларга эга бўлганлиги учун қонун улар учун махсус ҳолатларни назарда тутишга мажбур бўлади. Уларга Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини татбиқ этиш зарурати ҳам бўлиши мумкин. Шунингдек, қўшма корхона иштирокчилари бир томондан Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари, иккинчи томондан хорижий юридик шахслар бўлганлиги учун ушбу корхонани қайси мамлакат ҳудудида рўйхатга олинганлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки, қўшма корхона иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини аниқлашда қайси давлат ҳуқуқини қўллашда коллизия муаммо юзага келади. Қайси давлат суди ёки ҳакамлар суди томонидан ишни кўриш масаласи ҳам шу тариқа ҳал этилади. Бу ҳақда ФК 1175-моддасида аниқ тушунча берилган:

ФКга асосан юридик шахс қайси мамлакат ҳудудида таъсис этилган бўлса, шу мамлакат ҳуқуқи мазкур юридик шахснинг шахсий қонуни ҳисобланади.

Биз хорижий инвесторлар иштирокида қўшма корхона тузиш тўғрисидаги шартномани биргаликдаги фаолият тўғрисидаги, ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалардан фарқлашимиз лозим. Чунки кейинги ҳолда чет эллик юридик шахслар билан Ўзбекистон ҳуқуқи томонидан юридик шахс мақомини олган субъектлар ўртасида тузиладиган ва маълум фаолиятни амалга оширишда ҳамкорлик қилиш ҳақида гап боради. Бундай фаолият

юзасидан чиққан низолар халқаро хусусий ҳуқуқ нормалар ва халқаро шартномалар асосида ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикасида тузилган ва рўйхатдан ўтган ҳар қандай юридик шахс ва улар таъсисчилари ўртасидаги низолар эса Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари ва келишув бўйича учинчи давлат ҳакамлик ёки хўжалик судларида кўрилиши мумкин.

Тарафларга низони ҳал қилиб берувчи органни танлашдаги эркинликнинг берилиши хорижий сармоядорга инвестиция киритиш борасида кафолатлардан бири ҳисобланади.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий экспертизадан, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида Низомнинг амал қилиши, хорижий инвестицияларнинг, жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ҳам Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги рўйхатидан ўтишдек ортиқча ҳаракатни содир этишдан озод қилиш лозим. Чунки Ўзбекистон томонидан қатнашувчи тараф ундан олдин ҳам Ўзбекистонда корхона сифатида, жисмоний шахслар иштирок этган эса тадбиркор сифатида тегишли органларда рўйхатдан ўтган бўлади. Қолаверса Адлия Вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларда қўшма корхонани ташкил этувчи муассис сифатида яна чиғирикдан ўтказиш маъмурий–буйруқбозлик тизимига хос. Фикримизча, Адлия органларида рўйхатдан ўтган қўшма корхоналарни, чет эл корхоналарини ва уларнинг шўба корхоналарини юридик шахс мақомини олиши билан ташқи иқтисодий фаолият субъектлари сифатида тан олиш одилона иш бўларди.

Хорижий инвесторларни қўллаб - қувватлаш билан бирга муайян чекловлар ҳам мавжуд. Жумладан, Россияда чет эллик инвесторлар инвестицияларни амалга оширишда мудофаа саноатида, чегарадаги ёпиқ ҳудудларда жойлашган корхоналарни хусусийлаштиришда, шунингдек саноат, қурилиш, автомобиль транспортининг муайян тармоқларининг хусусийлаштиришдаги иштироки маълум даражада чекланган.⁴²

⁴² Россия Федерациясида хусусийлаштиришнинг давлат дастурига қаранг. // Экономика и жизнь, 1992., №29. -46 с.

Белоруссияда танловлар ва аукционлар ўтказиш орқали мол-мулк сотилишида миллий субъектлар қатнашишдан воз кечган тақдирдагина хорижий инвесторлар иштирок этиш мумкин.⁴³

Украинада 1992 йил 12 мартда қабул қилинган «Давлат корхоналарини хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунга кўра хусусийлаштириш объектларни сотиб олишда Украина фуқаролари ва меҳнат жамоалари имтиёзли ҳуқуққа эга..

И.Д.Иванов, М.М.Богуславскийлар «Хорижий сармоядорларнинг юқоридагидай камситилишини қоралайдилар ва қаерда инвесторларга қулай шарт-шароит яратилса, фақат ўша жойдагина хорижий сармоянинг кенг кўламда оқиб келиши таъминланади», деб кўрсатишади.⁴⁴

А.Г.Богатирев фикрича, хорижий сармоядорларни хусусийлаштиришда иштирок этиши хорижий элемент қатнашувчи инвестиция муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишдаги ҳуқуқий мантиқсизлик ҳисобланади. Энг аввало, давлат қонуний ва адолатли хусусийлаштиришни амалга ошириб, фақат ўз фуқроларини хусусий мулкдорга айлантириши черак. Айнан шундан кейингина нормал бозор муносабатларини қуриш ва бу муносабатларга хорижий сармоядорларни жалб этиш мумкин.⁴⁵

Бу нуқтаи назарга қўшилиб бўлмайди. Фикримизча, хусусийлаштиришни бошиданок хорижий инвесторларни жалб этиш керак. Улар катта пул маблағи, бой тартибга эга бўлганлиги учун ишлаб чиқаришни ривожлантиради, янги замонавий технология жорий этади ва мамлакатнинг жаҳон бозоридан ўрин эгаллашига ҳисса қўшади.

Ҳар бир давлат иқтисодиёти ва ижтимоий турмушининг шундай соҳалари борки, бу соҳада давлатнинг ёки миллий субъектларнинг назорат қилиш имконияти ёки ҳукмрон мавқеи таъминланиши керак. Миллий хавфсизлик, мудофаа, давлат иқтисодий ва юридик мустақиллигини таъминлаш юзасидан бу чеклашлар мавжудлиги ўринлидир. Дунёнинг кўплаб давлатларида бу ҳолат ўз ифодасини топган. Масалан, ХХР «Хитой хорижий кўшма корхоналар тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасида кўрсатиладики, қуйидагилардан бири

⁴³ Богуславский М.М., Иностранные инвестиции: правовое регулирования. -М. -БЕК, -1996., - С.108.

⁴⁴ Богатирев А.Г. Инвестиционное право, -М.: МО,-1992. С. 253-254.

⁴⁵ Богуславский М. Иностранные инвестиции: правовое регулирование, -М.:БЕК,-1996. с. 108-109.

бўлганда қўшма корхона тузишга йўл қўйилмайди: 1) Хитой суверенитетига зарар етказса; 2) Хитой қонунларига номувофик бўлса; 3) Хитой халқ хўжалиги ривожланиш талабларига тўғри келмаса; 4) атроф муҳитга зарар етказса; 5) битимлар, шартномалар, низомларини имзолашда адолат ва ўзаро фойдалилик тамойили бузилса.⁴⁶

Литва Республикасида чет эллик инвесторлар фаолияти соҳасидаги тақиқлашлар ва чеклашлар ҳақида қонун қабул қилинган. Ушбу қонунга асосан, газ, нефть қувурлари, алоқа ва электр узатиш линиялари, иссиқлик тармоқлари, автомобиль ва темир йўллари, денгиз портлари ва аэропортлар эксплуатацияси, ноширлик фаолияти, радио эшиттириш ва телекўрсатув трансляцияси, курорт-даволаш фаолияти бўйича қўшма корхоналарда Литва томони 91 фоиздан кам овозга эга бўлиши мумкин эмас. Алкоголли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, курол ва портлатувчи моддалар тайёрлаш, иш кучини танлаш, тақсимлаш ва миграция бўйича қўшма корхона тузиш мумкин эмас».⁴⁷

«Эстония Республикасида чет эллик инвестор Ташқи иқтисодий фаолият Департаментидан лицензия олиши лозим. Департамент қуйидаги асосларга кўра лицензия беришни рад этиши мумкин:

- чет эл инвестори ишонч уйғотмаса;
- чет эл инвестори монопол ҳолатга эришмоқчи бўлса;
- чет эл инвестицияси Эстония Республикаси иқтисодиёти манфаатига

жиддий зарар келтирса».⁴⁸

Ўзбекистон Республикасида эса бу каби чеклашларни ўзида акс эттирган алоҳида қонунлар йўқ. мазкур масалалар ўз аксини топган. Бироқ бу мамлакат хавфсизлиги, мудофаси, миллий манфатлар етарлича ҳимояланмаган деган хулосани келтириб чиқармайди. Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензия бериш тартиби мавжудлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонуни 4-моддаси талаблари худди шундай

⁴⁶Хакимов Р., Сборник нормативных актов КНР о совместных предприятиях., Т.: Мехнат. -1993. С.-7.

⁴⁷Ведомости Верховного Совета и Правительства Литовский Республики. 1991 С361.

⁴⁸ Эстония Республикаси ҳукуматини хорижий инвестицияга лицензиялаштириш бўйича илтимосномалар ва уларнинг бериш тартиби, 1992 йил 6 апрел 112-сонли қарор билан тасдиқланган, //Ведомости Эстонской Республики 1992. 13,214-с.

юримдик кафолатдир. Лекин бу соҳада барча иш тўлиқ ҳал этилган деб бўлмайди. Чунки агар чет эллик инвесторлар ҳуқуқлари ва бу ҳуқуқларининг кафолатлари қонун даражасида белгиланган бўлса, уни чеклаш бўйича истиснолар қонун ости ҳужжатларида белгиланган. Фикримизча бундай номувофиқликка барҳам бериш лозим.

1.3. Қўшма корхоналарнинг фуқаролик-ҳуқуқий лаёқати

Юримдик шахсларнинг ҳуқуқ субъектчилиги унинг ҳуқуқий лаёқати билан боғлиқдир. Чунки унинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатдаги иштироки, ҳуқуқ субъектчилигининг асосий белгиловчи хусусияти айнан ҳуқуқий лаёқатига бориб тақалади. Ҳуқуқий лаёқат масалалари ҳар бир субъектнинг ҳуқуқий мақоми тадқиқ этилаётган пайтда алоҳида эътиборга олинади. Фуқаролик-ҳуқуқий лаёқат ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари мажмуи бўлиб, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ташкил этади. Бундай лаёқатга эга бўлмаслик, мустақил субъект сифатида муносабатда иштирок эта олмаслик билан баҳоланади.

Юримдик шахсларнинг ҳуқуқий лаёқати бошқа фуқаролик ҳуқуқи субъектларидан фарқланади. Фуқаролик ҳуқуқи назариясида ҳуқуқий лаёқат масаласи субъектларнинг ҳуқуқий мақомини ўрганиш жараёнида ҳамини тадқиқот объектига айланади. Шу сабаб кўп адабиётларда “ҳуқуқ субъектчилиги ва ҳуқуқий лаёқат” тушунчалари бир хил маънода ишлатилади⁴⁹. Айрим олимлар ушбу фикрни бахсли ҳисоблашади⁵⁰. С.Н.Братус, С.С.Алексеев ва М.Х.Баратовларнинг фикрларига қўшилган ҳолда ҳуқуқий лаёқатсиз ҳуқуқ субъекти мустақил мавжуд бўлмайди, шу сабаб уларни бир маънода ишлатиш мақсадга мувофиқ, деган ҳулосага келиш мумкин. Фуқаролик-ҳуқуқий лаёқат юримдик категория сифатида⁵¹ шахсларга юримдик имконият беради. Бу юримдик имконият ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш имкониятидир.

Қўшма корхоналар давлат рўйхатидан ўтгандан сўнггина ҳуқуқ ва муомала

⁴⁹ Субъекты гражданского права./Под.ред. С.Н.Братус. -М.: Юр. лит, 1984. -10 с.; Алексеев С.С. Общая теория права. -М.: Юр. лит, 1982. -159 с.; Баратов М.Х. Давлат – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. -Тошкент: ТДЮИ, 2005. -21 б.

⁵⁰ Халфина Р.О. Общее учение о правоотношении. -М.: Юр. лит, 1974. -117 с.

⁵¹ Туребеков Т.М. Общественные объединения как субъекты гражданского права. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. -Ташкент: 2002, -13 с.; Матқурбанов Р.Ж. Проблемы правоспособности граждан (физических лиц) по гражданскому праву. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. –Ташкент: 2004. -8 с.

лаёқатига эга бўлади. У то рўйхатдан ўтгунча, гарчи таъсис этиш ҳаракатлари амалга ошса-да, бироқ мустақил ҳуқуқ субъекти бўлмаганлиги сабабли, унда лаёқатлилик мавжуд эмас, деб топилади. Бу даврда муассислар ўзлари номидан ҳаракат қилиб муносабатларга киришадилар. ҚКларнинг ҳуқуқий лаёқати (ҳуқуқ ва муомала лаёқати) унинг субъект сифатида намоён бўлиши, уни амалга ошириш эса ҳуқуқ субъекти сифатида самарали фаолият юритиши билан боғлиқ. ҚКлар ҳуқуқий лаёқатини унинг органлари амалга оширадилар. Унинг самарадорлиги ва ҚКларнинг фаолияти эса корпоратив бошқарувнинг қай даражада шаклланиши билан боғлиқ.

Маълумки, юридик шахслар умумий ва махсус ҳуқуқ лаёқатига эга. Тижоратчи юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати нотижорат юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатидан кенгроқ бўлиб, умумий характерга эга. Айрим муаллифлар тижоратчи юридик шахслар умумий ҳуқуқ лаёқатига эгалигини таъкидлашади⁵². В.А.Рахмилович махсус ҳуқуқ лаёқати асосларини - қонун, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мақсад ва фаолият предметини белгилайдиган таъсис ҳужжати ташкил этади деб ҳисоблайди⁵³. И.Б.Зокиров махсус ҳуқуқ лаёқатни махсус юкланган вазифалар билан боғлайди⁵⁴. Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, назаримизда, нотижорат юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати ўз уставлари доирасида чекланганлиги боис, махсус ҳуқуқ лаёқатига мос келади.

Айрим олимларнинг фикрича, юридик шахсларнинг махсус ҳуқуқ лаёқати аввалгидай умумий принцип бўлиб қолмоқда. Универсал ҳуқуқ лаёқати умумий қоидадан мустасно характерга эга ва нодавлат тижоратчи ташкилотларига қўлланилади⁵⁵. Фикримизча эса ҚК универсал ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиб (айрим ҚК турларидан бошқа), бу умумийлик қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган исталган фаолиятни амалга ошириш билан бирга сармояларни тез ва узлуксиз муомалага киришини таъминлайди ҳамда сармоядорни қонуний ҳаракат доирасида даромад олишини кафолатлайди.

Тўғри, ҳар қандай тижоратчи ташкилот муассислари (таъсисчилари,

⁵² Гражданское право. Общая часть. Отв.ред. Е.А.Суханов. -М.: Волтерс Клувер, 2005. Т.1. -292 с.

⁵³ Рахмилович В.А. Основные положения о юридических лицах в Гражданском кодексе РФ. Комментарий // Адвокат. -Москва, 1997. -№11. -С. 6.

⁵⁴ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. 1-қисм. -Тошкент: ТДЮИ, 2006. -103 б.

⁵⁵ Гражданское право. Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.: Проспект, 1999. Ч.1. -125-126 с.

хиссадорлари, агар умумий йиғилишда овоз берадиган ва ғолиб чиқадиган бўлсалар) юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқат ҳажмини қисқартириши, яъни махсус ҳуқуқ лаёқатига айлантириши мумкин. Лекин, айти ҳолатда ҚҚни махсус ҳуқуқ лаёқати умумий қоидадан истиснодир, аксинча эмас.

ФКнинг 41-моддасидан келиб чиқиб, ҚҚнинг махсус ҳуқуқ лаёқати устави ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланиши мумкин. Шу билан бирга ҚҚнинг айрим турлари (банк, суғурта ташкилотлари)нинг фаолият доираси махсус қонунларда⁵⁶ белгиланади ҳамда махсус белгиланган вазифалар доирасида ҳаракат қилиш юкланади. Гарчи, улар қонунда таъқиқланмаган бошқа фаолиятлар билан шуғулланса-да, лекин асосий вазифа қонун доирасида белгилаб қўйилади. Шу боис уларни махсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади, деб ҳисоблашимиз мумкин.

Баъзи олимларнинг фикрича, давлат корхоналари махсус ҳуқуқ лаёқатига эга⁵⁷. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда, стратегик аҳамиятга эга бўлган ҚҚлар (автомобил, нефтьни қайта ишлаш соҳасида ва х.к.) махсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади, уларнинг фаолият доираси қонун ҳужжатлари ва устави билан чегараланган бўлади.

ҚҚнинг муомала лаёқати ўз номидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ҳаракат қилиши, яъни битимлар тузиш, мажбуриятларга эга бўлиш ва бажариш, даъвогар ҳамда жавобгар бўлиш лаёқати тушунилади. Демак, ҚҚнинг муомала лаёқати унинг хоҳиш-иродани амалга ошириш жараёнида вужудга келади. Унинг хоҳиш-иродаси фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида фуқаролик муносабатларида мулкӣ ва мулкӣ характерда бўлмаган ҳуқуқларни олиш, бошқа фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни тузиш орқали намоён бўлади. Мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш ва унинг ҳуқуқий негизларини такомиллаштириш хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият доирасини, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтди.

ҚҚларнинг муомала лаёқати унинг хоҳиш-иродасини ифодалаш жараёнида

⁵⁶ Маълумки, қонун ҳужжатларида “махсус ҳуқуқ лаёқати” ибораси қўлланилмайди. Фақат юридик шахс фаолиятини маълум доира олиб боришини белгиланиши назарий жиҳатдан “махсус ҳуқуқ лаёқати” тушунчаси билан боғланади.

⁵⁷ Комментарий к гражданскому кодексу Российской Федерации. Отв.ред. О.Н. Садыкова -М.: Юринформцентр, 1997. -81 с.

намоён бўлар экан, бу лаёқатни ўз бошқарув органлари орқали амалга оширилади. Чунки, ҚК бошқа миллий юридик шахс каби қонунларга ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ иш олиб борадиган ўз органи орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва ўз зиммасига фуқаролик бурчларини олади (ФКнинг 45-моддаси). ҚКнинг ҳуқуқ субъекти сифатида ҳаракат содир этиши, унинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатини амалга оширилиши, фуқаролик-ҳуқуқий субъект сифатидаги ҳуқуқий мақомини англаб етиш учун корпоратив бошқарув масаласини ўрганиш жуда ҳам долзарб масаладир.

Кўп ҳолларда корпоратив бошқарув масаласи акциядорлик жамиятлари бошқарувига таққосланган ҳолда ўрганилади. Фикримизча бу баҳслидир. Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарув бу юридик шахс бошқарувидир. Корпоратив бошқарув ҚКларнинг органлари томонидан ташқи ва ички муносабатда манфаатларини ҳимоя қилишдир. Мамлакатимизда корпоратив бошқарув масалалари бир қатор олимлар томонидан ўрганиб чиқилган⁵⁸.

“Корпоратив бошқарув” тушунчаси бошқа хўжалик жамиятлари ва ширкатларини ҳам қамраб олади⁵⁹. Айрим адабиётларда белгиланишича, корпоратив бошқарув бу ички бошқарувдир⁶⁰. Назаримизда ушбу фикр баҳслидир. Зеро корпоратив бошқарув юридик шахс органлари фаолияти билан айний тушунчалар экан, юридик шахс органлари нафақат ички бошқарувни амалга оширади, балки ташқи муносабатда жамият манфаатини кўзлаб ҳаракат қилади⁶¹. Тўғри йўлга қўйилган корпоратив бошқарув тизимлари компания ва мамлакатларга сармоялар, айниқса хорижий сармояларни жалб қилишга ёрдам беради⁶².

⁵⁸ Гулямов С.С. Развитие законодательства об акционерных обществах в системе корпоративных отношений и проблемы его совершенствования. Автореф. дис... докт. юрид. наук. -Ташкент: 2005.; Вохидов М.М. Ўзбекистон акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимининг ҳуқуқий муаммолари ва такомиллаштириш йўллари. Юрид. фан. номз... дис. Автореф. -Тошкент: 2007. -23 б.; Котова М.Д. Наблюдательный совет акционерных обществ: избрание, компетенция, ответственность. -Ташкент: ТГЮИ, 2004.; Карахаджаева Ш. Правовое регулирование раскрытия информации в акционерных обществах Республике Узбекистан. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. -Ташкент: 2005. -22 с.

⁵⁹ З.М.Исломов корпоратив нормалар хусусида фикрини нотижорат юридик шахслар – жамоат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ички бошқаруви билан боғлаб изоҳлайди. Исломов З.М. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. –Тошкент: ТДЮИ, 2004. -42-46 б. Фикримизча ушбу фикр баҳслидир. Зеро корпоратив норма корпоратив бошқарув билан боғлиқ бўлиб, у тижоратчи юридик шахсларга хосдир.

⁶⁰ Раҳмонқулов Х.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. -Тошкент: ТДЮИ, 2007. -250 б.

⁶¹ Йирик битимлар тузиш, жамият қимматли қоғозларини жойлаштириш, ўз ваколат доирасида жамият номидан ҳаракат қилиши ташқи муносабат доирасида амалга оширилади.

⁶² Вохидов М.М. Ўзбекистон акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимининг ҳуқуқий муаммолари ва такомиллаштириш йўллари. Юрид. фан. номз... дис. Автореф. -Тошкент: 2007. -10 б.

ҚКнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати, унинг бошқарув органлари орқали амалга оширилади. Масалан, ҚКнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб, агар у акциядорлик жамиятлари шаклида тузилган бўлса, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 63-моддасига асосан, акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижро органи орқали бошқарилади. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият бўлса, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуннинг 29-42-моддаларига асосан иштирокчиларнинг умумий йиғилиши, ижро органи ва айрим ҳолларда кузатув кенгаши орқали бошқарилади. Хўжалик ширкатлари шаклида ташкил этилган қўшма корхоналар “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддаси талабларига мувофиқ, иштирокчиларнинг умумий йиғилиши, таъсис шартномасида кўрсатилган тақдирда ширкатнинг ижро этувчи органини орқали бошқарилади.

Бунда ҚКнинг фуқаролик муомаласида муайян ҳуқуқларга эга бўлиши ёки мажбуриятларни зиммасига олиши ушбу уч (икки) звенодан ташкил топган бошқарув органларининг ваколат доирасидаги ҳаракати орқали амалга ошади.

Юридик шахс органлари ҳуқуқий атама бўлиб, бошқа ҳуқуқ субъекти билан муомалада махсус ваколатномасиз, унинг манфаатларини ифодаловчи шахс (якка) ёки шахслар гуруҳи (коллегиал орган)дир⁶³. Юридик шахс органи ва ҚК органи бир-бири билан боғлиқ тушунчалардир⁶⁴.

Лекин ҚКларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб, уларни бошқариш турлича мураккаблик келтириб чиқариши мумкин. Масалан, ҚКлар ичида АЖ шаклидаги ҚКларни бошқариш мураккаб ҳисобланади. Шу сабабли, муаллифлар АЖни бошқаришда корпоратив тамойиллардан фойдаланилиб, у оддий акциядорлар эмас, унинг органлари орқали бошқарилишига эътибор қаратадилар⁶⁵. Ш.Н.Рўзиназаровнинг фикрича, АЖнинг органларини таъсис йиғилиши ваколатлари билан алмаштирмаслик керак. Акциядорлик жамиятлари юридик шахс мақомига эга бўлгач, давлат рўйхатидан ўтгандан бошлаб, фуқаролик ҳуқуқ

⁶³ Гражданское право. Под.ред. А.П.Сергеева Ю.К.Толстого -М.: Проспект, 1999. Ч.1. –127 с.

⁶⁴ Могилевский С. Понятие и порядок образования органов управления Акционерного общества // Хозяйство и право. -Москва, 2006. -№1. –С 60.

⁶⁵ Шиткин И. Соотношение интересов различных групп акционеров и менеджеров в управлении акционерным обществом. // Хозяйство и право. –Москва, 1998. -№11. –С. 126.

субъекти сифатида ўз органларига эга бўлиб, унинг тадбиркорлик ваколатларини амалга оширади⁶⁶. Ш.Н.Рўзиназаровнинг фикрига қўшилган ҳолда ҳақиқатдан ҳам АЖнинг органлари у давлат рўйхатидан ўтгандан сўнггина, ўз ваколат доирасида ҳаракат қилиши, жамиятнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатини амалга ошириши мумкин, агар рўйхатдан ўтмаса, у ҳолда бошқарув органлари ҳеч қандай ваколатга ва ҳуқуққа эга бўлмайди, уларнинг жамият номидан қилган ҳаракати ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилади.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, аксарият ҚКлар АЖ ёки МЧЖ шаклида ташкил этилмоқда. АЖ шаклидаги ҚКлар мураккаб таркибли, иштирокчилар сонининг чекланмаганлиги, катта миқдордаги мулкни бошқариш заруратининг мавжудлиги боис жаҳон тажрибасига эътибор берадиган бўлсак, бошқарув тизимининг икки ва уч звеноли кўринишларига дуч келамиз. Е.Богатыхнинг фикрича, АЖларни англиз-америка ҳуқуқ тизимида икки звеноли (умумий йиғилиш, бошқарув), роман-герман ҳуқуқ тизимида уч звеноли (умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва бошқарув) бошқарув кўринишлари мавжуд⁶⁷. Т.В.Кашанина АЖларнинг бошқарув органлари ҳатто тўрт звеноли (акциядорларнинг умумий йиғилиши, директорлар кенгаши, бош директор раҳбарлигидаги бошқарув, раҳбарий тузилма-бошқарувчи ваколатли шахс) бўлиши мумкинлигини таъкидлайди⁶⁸. МЧЖлар эса миллий қонунчилик ва мавжуд адабиётлар таҳлилидан келиб чиқадиган бўлсак, икки ёки уч звеноли бошқарувга эга ташкилот саналади. Умуман ҚКлар фаолияти унинг турли кўринишдаги бошқарув органлари фаолиятида номоён бўлмоқда. Бу органларнинг фаолияти ва корхона номидан турли ҳуқуқий муносабатларга киришиши ҚКлар ҳуқуқ лаёқатини белгилаб беради.

⁶⁶ Рўзиназаров Ш.Н. Бозор шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми. -Тошкент: Адолат, 1997. -126 б.

⁶⁷ Богатых Е. Гражданское и торговое право. -М.: Контракт, 2000. -83 с.

⁶⁸ Кашанина Т.В. Корпоративное право. Учебник. -М.: НОРМА-ИНФРА-М, 1999. -458 с.

II БОБ ҚЎШМА КОРХОНАЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАСНИФИ

2.1. Қўшма корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.

Собиқ Иттифоқ даврида қўшма корхоналар ташкил этишга эътибор берилмаган. Биз буни 1989 йилгача бўлган даврда Иттифоқ бўйича жами 208 та қўшма корхона давлат рўйхатига олинганидан ҳам кўришимиз мумкин. Бу қўшма корхоналардан 139 таси Москвада, 22 таси Санкт-Петербургда фаолият юритган. Украина ва Эстонияда 17 тадан, Латвия ва Арманистонда 5 та, Беларуссия ва Ўзбекистонда 3 тадан қўшма корхона фаолият юритган, Грузияда эса 7 та қўшма корхона мавжуд бўлган. Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонда 1990 йилгача бирорта ҚК ташкил этилмаган⁶⁹.

Чел эл корхоналари ва қўшма корхоналар муайян ташкилий-ҳуқуқий шаклда вужудга келади ва ўз фаолиятини амалга оширади. Одатда қўшма корхоналар хўжалик ширкатлари ва жамиятлари тарзида ташкил этилиб, фаолиятини амалга оширади. Зеро бошқа тижоратчи юридик шахс ташкилий-ҳуқуқий шакллари бўлган хусусий корхона, оилавий корхона, унитар корхона ва ишлаб чиқариш кооперативлари тарзида қўшма корхоналарни ташкил этиш мантиқсиздир. Қўшма корхоналар мамлакатимизда асосан, акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар шаклида ташкил этилмоқда. Шу сабабли биз тадқиқот ишида АЖ, ҚМЖ ва МЧЖ шаклидаги ҚКлар фаолиятини чуқурроқ таҳлил қилмоқчимиз.

Устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган хўжалик юритувчи субъект акциядорлик жамияти деб ҳисобланади⁷⁰.

Кўплаб цивилист олимлар АЖга легал таърифдан келиб чиқиб тушунча беришади⁷¹. Лекин фикримизча, қонун доирасида берилган бундай таърифларда илмий ёндашувлар сезилмайди ва ўз-ўзидан акциядорлик жамиятига хос бўлган

⁶⁹Кирип А.В. Правовые основы отношений государство и инвесторов. -М.: Инфора-м», 1998. с.105

⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси 1996 йил.

⁷¹ Лаптев В.В. Акционерное право. -М.: Контракт, 1999. -21 с.; Залеский В.В. Комментарий к Гражданскому кодексу Р.Ф. -М.: Информцентр, 1997. -130 с.; Блэк Б., Крекман Р., Тарасова А. Комментарий Федерального закона об акционерных обществах. -М.: Лабиринт, 1999. -141 с.; Кашанина Т.В. Корпоративное право. Учебник. -М.: НОРМА-ИНФРА-М, 1999. -184 с.

айрим белгиларни ўзида ифода этмайди. Таниқли махаллий цивилистлар берган таърифлар легал таъриф доирасидан четга чиқмаган ҳолда уларнинг моҳиятини очиб бериши билан эътиборлидир⁷².

Д.М.Караходжаева акциядорлик жамиятларига устав фонди акциялар миқдорига бўлинган ва уларни сотиб олиш орқали расмийлаштирилган, жамиятнинг мажбурияти бўйича акциядорларнинг ўзларига тегишли акциялари билан жавоб берадиган жамият тарзида таъриф беради⁷³. Ушбу таъриф легал тушунчани нисбатан тўлдиришга ҳаракат қилиши билан изоҳланади. Лекин назаримизда, бу таъриф ҳам мукамал АЖ тушунчасини ифодаламайди. И.В.Елисеевнинг фикрича, акциядорлик жамияти тижорат бирлашмаси бўлиб, бир ёки бир неча шахс томонидан ташкил этилади, унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, устав капитали улушларга бўлинган ва уларга нисбатан ҳуқуқлар қимматли қоғоз – акция билан тасдиқланади⁷⁴. А.П.Сергеевнинг назарида эса акциядорлик жамияти шундай хўжалик жамиятики, унинг устав капитали белгиланган аниқ ҳиссаларга бўлинган, бу ҳиссалар қимматли қоғоз – акцияларда ифодаланган ва унинг иштирокчилари (акциядорлар) жамият мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдиган ҳамда жамиятнинг таваккалчилик натижасида кўрган зарарлари бўйича ўз акциялари билан боғлиқ бўладиган ташкилотдир⁷⁵.

Ҳ.Р.Раҳмонқулов ва С.С.Гулямов акциядорлик ишининг моҳияти олинган даромадни қайта инвестиция қилиш орқали ишлаб чиқаришнинг ривожланишини тезлаштириш мақсадида инвесторлар (акциядорлар)нинг воситаларини жалб этишдан иборат деб ҳисоблайдилар⁷⁶. Т.В.Кашанинанинг фикрича, акциядорлик жамиятининг моҳиятини акциядорлик жамияти иштирокчи (акциядор)лари қўшган ҳиссалари қимматли қоғоз - акцияларда ифодаланиши, устав фондини акцияларга бўлинганлиги, иштирокчилар жавобгарлигининг чекланганлиги, йирик капиталга ихтисослашган бошқарувнинг мавжудлиги, фаолиятнинг назорат қилиниши ташкил

⁷² Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. –Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. -192 б.; Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. 1-қисм. –Тошкент: ТДЮИ, 2006 -120 б.; Рўзиназаров Ш.Н. Бозор шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми. –Тошкент: Адолат, 1997. -117 б.

⁷³ Караходжаева Д.М. Гражданское право: субъект, объект и содержание правоотношения в условиях рынка. –Ташкент: ТГЮИ, 2004. -95 с.

⁷⁴ Гражданское право. //Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.: Проспект, 1999. Ч.1. -151 с.

⁷⁵ Гражданское право. Учебник. Отв. ред. Е.А.Суханов -М.: БЕК, 1998. Т.1.

⁷⁶ Раҳмонқулов Ҳ.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. –Тошкент: ТДЮИ, 2007. -103 б.

этади⁷⁷. Е.Богатыхнинг назарида, унинг моҳиятини капитал бирлашмаси эканлиги, капитални аниқ ҳиссалар-акцияларга тақсимланиши, акцияларни ҳар қандай шахсларга эркин сотилиши, акциядорларни жамият мажбуриятлари бўйича жавоб бермаслиги, акция миқдорида жавобгарликнинг мавжудлиги, уставли савдо ширкати эканлиги ташкил этади⁷⁸.

Фикримизча АЖлар моҳиятидан у асосда ҚКлар ташкил этиш самаралироқ эканлиги ҳақидаги хулосага келиш мумкин. Бунда акция сотиб олиш орқали хорижий сармояларни олиб кириш, капитални маҳаллий ё хорижий бўлишидан катъий назар бирлаштириш унинг моҳиятини белгилаб беради.

Фикримизча АЖда капитални бирлаштириш ва ОАЖ шаклида акциядорларнинг ўзаро боғлиқлигини йўқлиги бемалол ҳар қандай инвесторни АЖ фаолиятини кириб келиш имкониятини беради. Бунда фаолият эмас капитални бирлаштиришга бўлган уринишнинг ўзи хорижий сармоядорга кенг имкониятлар тақдим этади. Шу боис аксарият мамлакатда фаолият юритувчи кўшма корхоналар АЖ тарзида ташкил этилмоқда. Акциялар чиқариш ҳамда уни муаммолага киритиш акциядорлик жамиятининг ўзига хос хусусияти бўлиб, бу уни бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқлаб туради. Ушбу хусусият акциядорлик жамиятини бошқа тижоратчи юридик шахслардан муайян устунликка эгаллигини кўрсатади, Айниқса бу очик акциядорлик жамиятида янада аниқроқ намоён бўлади. Ушбу устунликлар қуйидагилардан иборат, чунончи капитал кириб келиш даражаси чекланмаганлиги, унинг эркин ҳаракати, фаолиятининг барқарорлиги, жавобгарликнинг чекланганлиги ҳамда профессионал бошқарув ва бошқаларда намоён бўлади.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига асоан, акциядорлик жамиятлари очик ёки ёпик турда бўлиши мумкин.

ОАЖда капитал тўплашнинг оддий механизми мавжуд, инвесторлар маблағи акция чиқариш йўли билан жалб этилади ва энг муҳими бунда иштирокчилар сони чегараланмайди. Бунда акция эгалари ўз акцияларини эркин сотишлари ёки акциялар сотиб олиши мумкин бўлади ва бу жамият фаолиятига

⁷⁷ Кашанина Т.В. Корпоративное право Учебник. -М.: НОРМА-ИНФРА-М, 1999. -185-187 с.

⁷⁸ Богатых Е. Гражданское и торговое право. -М.: Контракт, 2000. -76 с.

таъсир этмайди. АЖ асосий устунлиги шундаки, унинг фаолияти барқарор характерига эга. Масалан, тўлиқ ширкатдан тўлиқ шерикнинг чиқиб кетиши ширкатнинг тугатилишига, масъулияти чекланган жамиятдан эса унинг иштирокчиси чиқиб кетиши устав капитали анча сезиларли миқдорда камайишига олиб келади. Акциядор эса жамиятдан чиқиб кетаётганда жамиятдан мол-мулк талаб қилмайди, балки ўзига тегишли акцияни бошқага сотиб юбориб, ўз улушини олади.

АЖда иштирокчиларни жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлигининг ўзига хос шакли мавжуд. Жамият зарар кўрса, акциядор фақат акция сотиб олишга сарфлаган маблақини йўқотади. Иштирокчиларнинг чекланган жавобгарлиги ҳамда акцияни сотиб юбориш орқали акциядорлик жамиятидан исталган вақт эркин чиқиб кетиш имконияти жамиятга сармоя жалб этиш муаммосини енгиллаштиради.

Акциядорларга тегишли мулк АЖ мулкидан батамом ажратилган. Шу сабабли акциядорларнинг кредиторлари ва унинг мажбурияти бўйича талабни жамият мулкига қаратолмайди. Фақат бунда акциядорлар акциясига қаратилиши мумкин. ОАЖда акциядор жамият кундалик бошқарув фаолиятида қатнашиши шарт эмас. АЖда хўжалик ширкатидан фарқли равишда мулк ва бошқарув бир-биридан ажратилган. Акциядор бошқа фаолият билан шуғулланиши боис жамият бошқарувида қатнаша олмаслиги ёки бошқарувга укуви бўлмаслиги мумкин. Шу боис жамиятда бошқарув мазкур билимга эга профессионал бошқарувчилар томонидан амалга оширилади. Чет эллик инвестор фаолият юритишидан асосий мақсад фойда кўриш ҳисобланади. У АЖ шаклидаги қўшма корхона ташкил этганда чекланган жавобгарликка эга бўлиш, жамиятда катта сармоя айлантириш, жамиятнинг барқарор характерига эга бўлишни истайди. Демак чет эл инвестори хоҳлаган барча афзалликлар акциядорлик жамиятига хос хусусият ҳисобланади. агар у бошқарувда бевосита иштирок этиш имконига эга бўлмаса, бу ҳам муаммони келтириб чиқармайди. Зеро жамият бошқаруви профессионал бошқарувчилар, мутахассислар томонидан амалга оширилди.

Акциядорлик жамияти шаклидаги қўшма корхона уни янгидан таъсис этиш ёки мавжуд юридик шахсни қайта ташкил этиш орқали ташкил этилиши мумкин. Бунда юридик ва жисмоний шахслар жамият муассислари бўлиши мумкин. Қўшма корхонани ташкил этишда қатнашувчи чет эл инвестори юридик шахс бўлиши ва тегишли суммадаги маблағни корхона устав жамғармасига киритган бўлиши талаб этилади.

Юқорида кўрсатилганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қўшма корхоналарнинг акциядорлик жамиятлари тарзида ташкил этилиши қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

1. Акциядорлик жамияти фаолияти барқарор характерга эга. Акциядорнинг акциядорлик жамиятидан чиқиб кетиши жамият мол-мулки миқдори ўзгаришини келтириб чиқармайди. Бунда акциядор ўзига тегишли акцияни соти ўз улушини олади.

2. Бунда акциядор бўлган инвестор мулки акциядорлик жамияти мулкидан ажратилган. Шу сабабли акциядорлар кредиторлари ва мажбуриятлари бўйича талабни жамият мукига қарата олмайди. Фақат акциядорнинг акциясига қаратиши мумкин.

3. Акциядорнинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги чекланганлиги жамият устав капитали аҳамиятини оширади. Бунда акциядор акциядорлик жамияти мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

4. Инвестор катта маблағга эга бўлиши мумкин, аммо у тадбиркорлик қобилиятини ўзида у даражада акс эттирмаган бўлиши мумкин. Бунда АЖда мулк ва бошқарув бир-биридан ажратилган инвесторга қулай бўлиб ҳисобланади. Бу жараёнда инвестор фақат жамиятга пул маблағи киритади, аммо ўзи кундалик бошқарувда қатнашиши шарт бўлмайди. Бошқарув профессионал бошқарувчилар томонидан амалга оширилади.

5. ОАЖ иширокчилари сони чегараланмаганлиги катта-катта лойиҳаларни бажариш, катта пул маблағини жалб этишга имкон беради.

6. ЁАЖда иштирокчилар томонидан жамият ишини юритиш билан боғлиқ маълумотлар сир тутилиши таъминланади.

7. Акциядорлик жамияти кўшма корхона мақомига эга бўлиши учун унда чет эл инвестицияси иштирок этган бўлиши, чет эллик инвестор юридик шахснинг корхонадаги улуши камида 30% ни ташкил этиши ва киритган сармояси 150 минг АҚШ долларидан кам бўлмаслиги лозим. Агар жамият устав капитали бир миллион АҚШ доллари деб белгиланган бўлса, чет эллик инвесторнинг жамиятдаги улуши камида 300 минг АҚШ доллари бўлиши (яъни 300 минг АҚШ долларига тенг акцияни кўлга киритган бўлиши) талаб қилинади. Жамият давлат рўйхатидан ўтаётган вақтда ҳар бир муассис ўзига тегишли улушнинг 30% ини шакллантирган бўлиши лозим. Бунда чет эллик инвестор 50 минг АҚШ долларини шакллантирган бўлиши лозим. Қолган устав капитали миқдори бир йил ичида шакллантирилади.

Фикримизча, акциядорлик жамияти фаолияти барқарорлиги, катта маблағ талаб қилувчи ишларни амалга оширишга имкон яратиши, акциядорлар ҳуқуқлари кенг ҳимояланганлиги боис кўшма корхоналар дунё амалиётида акциядорлик жамияти шаклида фаолият юритаётганлигини изоҳлашимиз мумкин. Масъулияти чекланган жамият (кейинчалик матнда МЧЖ деб атаймиз) юридик шахсларнинг тижоратчи турига мансуб бўлган хўжалик жамиятлари сирасига киради. Масъулияти чекланган жамиятларнинг ҳуқуқий мақоми ФК ва “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонун (Қонун 55 моддадан иборат бўлиб, унинг амалга киритилиши муносабати билан⁷⁹, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида”ги қонун ўз кучини йўқотди) ва бошқа қонун ҳужжатлари билан ҳуқуқий тартибга солинади. В.Р.Топилдиев МЧЖлар XIX асрда германия юристлари томонидан кашф этилганлигини таъкидлайди⁸⁰.

МЧЖ тушунчаси бир қатор илмий адабиётларда учрайди. Масалан, С.С.Гулямов МЧЖга таъриф берар экан, уни устав фонди иштирокчиларига фойдадан ўз хиссасини (дивидент) жамият тугатилган тақдирда эса мулкнинг бир қисмини олиш ҳамда бошқарувда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи

⁷⁹ Қонун 2002 йилнинг 1 мартдан амалга киритилган.

⁸⁰ Топилдиев В. Таъсис шартномаларининг назарий ва амалий муаммолари. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2006. – 57 б

улушларга бўлинган жамият, деб ҳисоблайди⁸¹. Назаримизда ушбу тушунча МЧЖ моҳиятини тўлиқ ўзида ифода этиб бера олмайди, бинобарин мазкур тарифда МЧЖ иштирокчиларининг бир шахс бўилиши мумкинлиги, чекланган жавобгарлик белгилари ўз аксини топмаган. Т.Кашанина дастлабки капитал иштирокчиларини улушлари тариқасида белгилаб қўйилган ва улушлар доирасида жавобгар бўладиган корпорация масъулияти чекланган жамиятдир, - деб тарифласа⁸², Ж.И.Юлдашевнинг фикрича МЧЖлар бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамиятидир⁸³.

Умуман олганда МЧЖларда айнан иштирокчиларнинг хиссалари доирасидаги чекланган жавобгарликнинг мавжудлиги хусусиятидан келиб чиқиб, кўпгина адабиётларда ўз муаллифлик тарифи илгари сурилади⁸⁴.

ФКнинг 62-моддаси ва “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонунга кўра, масъулияти чекланган жамият деб бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият тан олинади.

Масъулияти чекланган жамиятнинг фирма номи жамиятнинг номини, шунингдек “масъулияти чекланган” деган сўзларни ўз ичига олиши керак. Фирма номи мазкур юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини билдириб, мазкур масалада ҳам мамлакатимизда алоҳида қонун ҳужжати (Ўзбекистон Республикасининг “Фирма номлари тўғрисида”ги қонуни⁸⁵) мавжуд. Фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлоқ ҳуқуқ мазкур юридик шахс, яъни масъулияти чекланган жамият давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан юзага келади. Шунини айтиш керакки, юридик шахс ўз фирма номидан фойдаланишда ва бошқа юридик

⁸¹ Gulyamov S.S. Xalqaro savdo huquqi. –Tashkent: TDYuI. 2009. 60 b

⁸² Кашанина Т.В. Корпоративное право Учебник. -М.: НОРМА-ИНФРА-М, 1999. -173 с

⁸³ Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. Юрид.фан.номз.дисс. –Тошкент. 2008. – 53 б.

⁸⁴ Раҳмонқулов Х.Р. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари. 1-қисм. –Тошкент: ТДЮИ, 2010., Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд. –Тошкент: Vektor-press. 2010, Раҳмонқулов Х.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. –Тошкент: ТДЮИ, 2007., Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2009., Караходжаева Д.М. Гражданское право: субъект, объект и содержание правоотношения в условиях рынка. Учебное пособие. –Ташкент: ТГЮИ, 2004, -94 с.

⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, №9, 493-м.

шахсларга ушбу фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришда мутлок ҳуқуққа эгадир.

МЧЖнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган хиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Ушбу нормаларда белгиланган тушунчада “бир... шахс томонидан таъсис этилган” деган қисм ушбу таърифнинг “устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган” деган қисми билан назаримизда инкорни инкор қиляпти. Қандай қилиб, бир шахс томонидан таъсис этилган жамиятнинг устав фонди белгиланган миқдорларда улушларга бўлиниши мумкин. Фикримизча, мазкур таъриф жиддий ислоҳ этилиши зарур.

Айни вақтда шуни ҳам айтиш керакки, қонун нормаларида айрим қарама-қаршилиқлар ҳам учрайди. Жумладан, қонуннинг 7-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, жамиятнинг иштирокчилари бўлишга ҳақли эмаслиги, нормаланади. Бундан англашиладики, давлат ҳокимият ва бошқаруви органлари ҳам жамият иштирокчиси бўлиши мумкин. Агар шундай бўлса, у ҳолда қонуннинг 5-моддасидаги “Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди”, деб белгиланган норма ўзининг мутлоқлик аҳамиятини йўқотади. Эътиборлиси, бу ҳолат ФКда жуда оқилона ҳал қилинган. ФКнинг 48-моддасида белгиланган умумий қоидага кўра, юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қаршли бутун мол-мулк билан жавоб беради. Айни вақтда давлат корхонаси ва мулкдор томонидан молиявий таъминланадиган муассаса ўз мажбуриятлари бўйича давлат корхонасининг мол-мулки етарли бўлмаганида, давлат унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, қонуннинг 5-моддасидаги “давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди”, деган жумлани жиддий таҳрир қилиш лозим бўлади. Шу маънода,

қонуннинг юқорида қайд этилган 5-моддасига “*Давлат иштирокчиси бўлган жамиятларнинг мажбуриятлари бўйича унинг мол-мулки етарли бўлмаганда давлат ўз улушлари доирасида жавобгар бўлиши бундан мустасно*” деган тахрирда қўшимча киритиш лозим бўлади. Агар шундай қилинса, ҳам масъулияти чекланган жамиятларда давлат иштирокчилиги том маънода тенг ҳуқуқий аҳамият касб этарди, ҳам жорий қонундаги ҳолат ФКнинг тегишли нормаси билан ҳамоҳанг бўларди. Қўшма корхона масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият тарзида ташкил этилганда, унинг фаолияти юқоридаги қонунлардан ташқари хорижий инвестиция фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик билан ҳам тартибга солинади. Қўшма корхона масъулияти чекланган жамият шаклида бўлганда:

- жамият муассислар мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди;
- жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўлади. Ушбу қоида бўйича кредиторлар ўз ҳиссасини тўлиқ қўшмаган иштирокчилардан устав фондига қўйилмаган миқдордаги улушини талаб қилишга ҳақли;
- масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона устав капитали миқдори, унда чет эллик инвестор ҳиссаси, корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби «чет эл инвестицияси тўғрисида»ги қонун (6-9-моддалари) ва бошқа қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан белгиланади.
- жамиятни рўйхатга олиш вақтида ҳар бир иштирокчи таъсис ҳужжатида кўрсатилган улушининг камида ўттиз фоизини тўлаган бўлиши лозим. Жамият рўйхатига олингач, бир йил ичида жамият иштирокчилари қолган улушининг қисмини тўлашлари керак;
- «чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуннинг 18-модда 2-қисмига асосан, «давлат рўйхатига олинган санадан эътиборан бир йил ичида белгиланган тартибда ўз устав фондиди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ҳосил қила олмаган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхона ташкил этилмаган деб ҳисобланади ва қонун ҳужжатларида белгиланган

тартибда тугатилади».⁸⁶ ушбу қоида масъулияти чекланган жамият тарзидаги қўшма корхоналарга ҳам татбиқ этилади.

- масъулияти чекланган жамият устав капиталининг минимал миқдори Ўзбекистон Республикасининг «масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасида берилган бўлиб, у жамият рўйхатига олиндиган вақтда энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бароваридан кам бўлмаслиги лозим. Бу қоида қўшма корхона мақомига эга бўлмаган миллий юридик шахсга қўлланилади.

Агар масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият қўшма корхона мақомига эга бўлса, чет эллик инвесторнинг корхонадаги улуши камида 30%ни ташкил этиши талаб қилинади. Шунингдек чет эллик инвестор камида 150 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя киритиши лозим. Корхона давлат рўйхатидан ўтаётганда ҳар бир иштирокчи таъсис ҳужжатида кўрсатилган ўз улушининг камида 30%ини тўлаб қўйган бўлиши шарт. Жамият рўйхатга олинган, бир йил ичида иштирокчилар улушининг қолган қисмини тўлашлари лозим:

- агар белгилангандек бир йил ичида устав капитали муассислар томонидан тўлиқ шакллантирилмаган бўлса, жамият ўз устав фондиди камайитишини эълон қилиши ёки ўзини тугатиши керак:

- масъулияти чекланган жамиятни устав фондиди ошириш учун унинг иштирокчилари ўз улушларини тўлиқ қўшган бўлиши лозим.

- жамият устав капиталини камайитириш учун дастлаб ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма огоҳлантириши лозим. Бундан кўзланган мақсад кредиторлар манфаатини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Масъулияти чекланган жамият муассислари бўлиб, юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. жамият ягона шахс томонидан ҳам ташкил этилиши мумкин ва у жамиятнинг ягона иштирокчиси бўлиб ҳисобланади. Қўшма корхона мақомига эга масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият муассислар юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Бунда чет эллик инвесторнинг юридик шахс бўлиши талаб этилади. Қўшма корхона бир неча

⁸⁶ Ўзбекистоннинг янги қонунлари 19-сон Т.: «Адолат»: 1998. 147—бет.

муассислар томонидан ташкил этилиши боис, у ягона муассис томонидан ташкил этила олмайди.

МЧЖ аъзолари 50 нафардан ошиб кетмаслиги лозим деган қоида ушбу жамият типига ташкил этилган қўшма корхоналарга нисбатан ҳам ташбиқ этилади. Бундай чекловлар ривожланган мамлакатлардаги ушбу соҳага доир қонунларда ҳам ўз аксини топган. Чехославакия савдо кодекси 105-моддасига асосан, масъулияти чекланган ширкат аъзолари сони 50 кишидан ортиқ бўлмаслиги лозим.⁸⁷

Франция «Савдо ширкатлари тўғрисида»ги қонунига асосан, масъулияти чекланган савдо ширкатларида иштирокчилар сони 50 кишидан ошмаслиги лозим. Агар ошса, у 2 йил ичида акциядорлик жамиятига айлантирилиши лозим. Агар шу муддатда аъзолар сони 50 тадан камайтирилмаса ёки акциядорлик жамиятига айлантирилмаса, у тугатилади.⁸⁸

Франция қонунчилигида белгиланган қоидалар бизда белгиланган қоидалар ўхшаб кетади. Қонунчилигимизга кўра агар масъулияти чекланган жамият иштирокчилари сони 50 нафардан ошиб кетса, жамият бир йил ичида акциядорлик жамияти ёки ишлаб чиқариш кооперативига айлантирилиши лозим. Агар жамият бир йил ичида қайта ташкил этилмаса ёки иштирокчилар сони камайтирилмаса, жамият суд орқали тугатилади.

Масъулияти чекланган жамият билан бир қаторда қўшимча масъулиятли жамият шаклидаги қўшма корхоналар ҳам фаолият юритади. Қўшимча масъулиятли жамият фаолияти асосан масъулияти чекланган жамиятга оид ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасининг ФКнинг 63-моддасига асосан, қўшимча масъулиятли жамиятнинг фирма номи жамиятнинг номини, шунингдек «қўшимча масъулиятли» деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

ҚМЖнинг ўзига хос хусусияти унинг иштирокчиларини жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги уларнинг устав капиталига қўшма улушлари билан чекланганлигидадир. Яъни жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматига

⁸⁷ Sbirka Zakonu? 1991. №513. С.98

⁸⁸ Journal official du 26.07.1966

нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамият таъсис ҳужжатларида белгиланадиган, каррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар. Умуман олганда фикримизча қўшма корхоналарни ташкил этишда энг маъқул корхона тури бу – хўжалик жамиятларидир. Хўжалик ширкатлари ва ишлаб чиқариш кооперативларининг фаолият бирлашмаси эканлиги, хусусий корхонани якка шахс томонидан ташкил этилиши, фермер ва оилавий корхоналарни хусусий корхоналарга тенглаштирилиши бу ташкилий-ҳуқуқий шаклларда қўшма корхоналар ташкил этишни мантиқсизлигини белгилаб беради.

2.2. Қўшма корхоналарнинг мулкӣ-ҳуқуқӣ муносабатдаги иштироки

Қўшма корхоналар ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади. Зеро ҚКлар алоҳида мустақил субъект –юридик шахс сифатида тавсифланар экан, унинг мулкӣ ҳуқуқларини алоҳида тадқиқ этиш лозим. Маълумки, мулк ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг марказий институтларидан биридир. Мулк ҳуқуқӣ муносабатлар ҳуқуқӣ меъёрларсиз, давлат томонидан ҳимоя этилмасдан нормал тарзда ривожлана олмайди⁸⁹. ҚКнинг хусусий мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритилган мол-мулкка эгаллик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. ҚК мол-мулкнинг манбаини турли хил мулк шаклларидаги объектлар ташкил этиши мумкин, лекин улар корхона балансига ўтгандан сўнг, хусусий мулк асосида ҚКга тегишли бўлади. Шу сабабли ҳам фикримизча бу борада корхонанинг мол-мулки қайси мулк шаклларида вужудга келгани эмас, балки мулк қайси субъект қўлида эканлигига эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Айнан шу нуқтаи назардан ҳам оммавий мулк асосида ташкил топган ҚКларнинг мол-мулки ҳам шаклан хусусий мулк ҳисобланиши лозим. ҚК ўз балансидаги мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини амалга оширади. Айрим мулклари ҚКнинг балансида

⁸⁹ Эргашев В. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Қонунчилиги бўйича мулк ҳуқуқининг тушунчаси ва мазмуни // Ўзбекистон Қонунчилиги таҳлили. -Тошкент, 2006. -№1. –Б. 32.

кўрсатилмаслиги ҳам мумкин (масалан, фирма номи, товар белгиси), лекин бу улар мавжуд эмаслигидан далолат бермайди⁹⁰. Ҳ.Р.Рахмонқулов юридик шахс ижарага мулк олиш орқали ҳам ўз мустақил мол-мулки бўлмасдан ташкил этилиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади⁹¹. Бундан келиб чиқиб, ҳеч қандай ўз мол-мулкига эга бўлмасдан ҳам юридик шахс ташкил этиш мумкинми?- деган савол туғилиши табиий. Амалда айрим нотижорат юридик шахслар айнан шундай усулда ташкил этилаётганлигини кўриш мумкин. Масалан, адвокатлик фирмалари муайян бир бинони ижарага олиб, фаолият юритмоқдалар. Лекин фикримизча, ҚК бундай асосда ташкил этилиши мумкин эмас. Чунки унинг қонунда белгиланган тартибда шаклланиши назарда тутилмаган устав фонди мавжуд ва у ҚК мол-мулксиз мавжуд бўлмаслигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида ҚКнинг капитали шерикчилик асосида ташкил топган корпоратив мулк эканлиги, у устав капитали, қўшимча капитал, резерв фонд ва тақсимланмаган фойдадан иборатлиги кўрсатилган⁹². Назаримизда, ҚКнинг молиявий ресурслари манбаи чет элименти билан мураккаблашган фойда, амортизация ажратмаси, қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблағлар, акциядорларнинг ҳиссалари, таъсисчиларнинг улушлари, кредитлар, қарзлар, ажратилган грантлар, мақсадли молиялаштириш маблағларидан иборат бўлади. Бундан ташқари жамиятнинг номоддий неъматлари (фирма номи (масалан, машҳур Соса-сола фирмасининг фирма номи 72 миллиард АҚШ доллари, Майкрософтники эса 70 миллиард АҚШ доллари миқдоридан баҳоланган⁹³), ишчанлик обрўси, товар белгиси, хизмат ва тижорат сирлари, шахсий номулккий ҳуқуқлар) ҳам мулкнинг асосини ташкил этади. Номоддий неъматлардан иборат бўлган интеллектуал фаолият натижалари, хизмат ва тижорат сирлари иқтисодий мазмунга эга бўлиб, товар шаклига киради. Мол-мулкка эгалик ҚКнинг иқтисодий белгисидир. Д.В.Ломакин АЖнинг иқтисодий белгисини бошқа белгилар

⁹⁰ Рахмонқулов Х.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. -Тошкент: ТДЮИ, 2007. -138 б.

⁹¹ Рахмонқулов Х.Р. О понятии юридического лица. // Хўжалик ва ҳуқуқ. -Тошкент, 2003. -№ 6. -Б. 62-65.

⁹² Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. -Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2000. Т.1. -Б. 190.

⁹³ Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. -Тошкент: ТДЮИ, 2004. -150 б.

(функционал, моддий-ҳуқуқий, процессуал-ҳуқуқий) ичида энг муҳими деб ҳисоблайди⁹⁴. Ҳақиқатдан ҳам ушбу фикрни ҚКларга нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкин. Корхонада алоҳида мол-мулкнинг мавжудлигини ва мулк ҳуқуқи асосида унга тегишлилиги, ҚКнинг фуқаролик муомаласида иштирокининг заруратидир. Қўшма корxonанинг дастлабки мол-мулки чет эл элименти билан мураккаблашган таъсисчиларнинг унга қўшган ҳиссаларидан шаклланади. Маълумки, маҳаллий ва албатта хорижий таъсисчилар жисмоний шахслар, юридик шахслар ва давлат бўлиши мумкин.

Фикримизча ҚК ташкил этилаётганда ўз улуши билан корхона таъсисчилари таркибига кирган хорижий инвестор билан корхона ташкил этиб бўлингандан сўнг хорижий инвестиция киритган шахсни ҳуқуқий мақомини бир хил деб бўлмайди. Таъсисчилар таъсис этиш ташаббуси билан чиқадиган шахслар бўлса, иштирокчилар ҚК ташкил этилгандан сўнг, унинг моддий базасини шакллантириш учун ўз мулкларини киритган шахслар ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, бир шахс бир вақтнинг ўзида таъсисчи ва иштирокчи бўлиши мумкин⁹⁵. Лекин корхона фаолияти давомида хорижий сармоя олиб кириладиган бўлса, бу корхона қўшма корхона мақомига эга бўлмаслиги мумкин. Маслан аксарият АЖлар фаолияти давомида хорижий инвесторлар корхона акциясини сотиб олиши мумкин, лекин бу билан АЖ ҚК мақомини олмайди. Ушбу фикрни ривожлантирган ҳолда назаримизда, таъсисчи нафақат ташаббускор, балки бўлажак жамиятнинг дастлабки молиялаштирувчиси ҳисобланади. Умуман таъсисчи(лар) жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ сарф этиладиган харажатларни ўз зиммасига олади(лар) ва шу харажатлар билан рўйхатдан ўтгангача бўлган даврдаги мажбуриятлар учун солидар жавобгар бўлади(лар). Муассислар ҳиссаларининг шакли чегараланмайди. Улар ҳам моддий, ҳам номоддий шаклда бўлиши мумкин. Е.А.Сухановнинг фикрича, муассис юридик шахс устав фондига киритган ўз

⁹⁴ Ломакин Д.В. Понятие и признаки акционерного общества // Вестник Московского Университета. –Москва, 2002. -№2. -С. 64-67.

⁹⁵ Рахмонкулов Х.Р., Гулямов С.С. Корпоративное право. –Тошкент: ТГЮИ, 2004. -114 с.

улушига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини олади⁹⁶. Ушбу фикрдан келиб чиқиб, назаримизда талаб қилиш ҳуқуқи мулк ҳуқуқидан фарқланади ва у мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи асос бўлиб, фуқаролик муомаласида фаол ҳаракат натижасидагина мулк ҳуқуқига айланади, деб ҳисоблаш мумкин. Демак, ҚКга қўшган ҳиссасига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу ҚК тугатилаётган пайтда инвесторлар устав фондига қўйилган капитални қайтариб олиш ҳуқуқи билан изоҳланади. Қайтариб олинаётганда, аввал айнан қўшган мулкни эмас, унга эквивалент ҳисобида бошқа мулк олинади, чунки ҚКга киритилган мулк юқорида таъкидлаганимиздек, киритилган заҳоти пул билан баҳоланади. Инвестор томонидан киритилган пул ёки мулк қимматликлар тўлиқ равишда жамиятга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Корхонанинг мулки хўжалик фаолиятини юритиш орқали ва қонунда таъқиқланмаган бошқа усулларда олинган мулк билан шаклланади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, давлат сектори нефть, газ саноати, электроэнергетика ва кимё саноати каби тармоқларда, транспорт, алоқа ва коммуникация тизимида салмоқли ўрин тутади. Кўпгина корхоналар, компаниялар, корпорация ва уюшмаларларнинг устав жамғармасида ҳам давлат улуши анчагина катта қисмини ташкил этади. Давлат улушининг ҳаддан зиёд юқори бўлиши, уларни бошқаришни мураккаблаштириб юбормоқда, мутлоқо кераксиз бошқарув тузилмаларининг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашуви зарарли оқибатларга олиб келмоқда. Уларнинг раҳбарлари ўз қўлида давлат улуши ва акцияларини тўплаб олиб, эски маъмурий буйруқбозлик асосидаги бошқарув усулларида фойдаланган ҳолда хусусийлаштириш жараёнларини сунъий равишда секинлаштириб, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини чеклаб қўймоқда, ташаббус ва тадбиркорлик ривожига, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнини чуқурлаштиришга йўл бермаяпти. Стратегик аҳамиятга эга бўлмаган АЖларда давлат улушини сақлаб туришнинг умуман ҳожати йўқ. Бу улушни фонд бозорида жумладан, салоҳиятли хорижий

⁹⁶ Гражданское право. Отв. ред. Е.А.Суханов -М.: БЕК, 1998. Т.1. –С. 518.

инвесторларга пайсалга солмай сотишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда⁹⁷. Қўшма корxonанинг мол-мулки тадбиркорлик фаолияти натижасида олган даромадлари ҳисобига ҳам шаклланади. Бу даромадлар ишлаб чиқариш, турли шартномалар тузиш орқали мулкӣ муносабатларга киришиш, бозор иқтисодиётида рақобатга бардош берган ҳолда ўз бизнесини ташкил этиш натижасида вужудга келади.

III боб. Айрим турдаги қўшма корxonаларни ташкил этиш ва чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари

3.1. Айрим турдаги қўшма корxonаларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари

Одатда мамлакатимизда қўшма корxonаларни ташкил этишда ягона тартибот мавжуд. Лекин сўнгги пайтда айрим ҳудудларни эркин ақтисодий, савдо ҳудудлари сифатида белгиланиши, уларга алоҳида мақомни берилиши, мазкур ҳудуддаги қўшма корxonаларни ташкил этишда ҳам ўзига хос хусусиятлар мавжудлигини келтириб чиқаради. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, муайян давлатнинг иқтисодий қудратини оширишнинг ва уни жаҳон хўжалик фаолиятига аъзо бўлишини энг самарали воситаси бу эркин иқтисодий зоналаридир. Айнан эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш орқали тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб берилади. Мамлакат иқтисодиётига чет эл инвесторлари жалб этилади. Республиканинг маҳсулот ишлаб чиқариш потенциали кенгайтирилади, иқтисодиёт ривожлантирилади ва юқоридагиларнинг маҳсули сифатида фуқароларнинг турмуш тарзи яхшиланади.

Республикамизда мавжуд хўжалик юритувчи субъектлари жаҳон бозорига ўз товар иш ва хизматлари билан чиқиши лозим, бу мамлакат иқтисодий ривожининг асоси бўлиши табиий албатта. Республикамиз иқтисодиётига хорижий сармояларнинг ва чет эллик сармоядорларни кўплаб жалб этишда эркин иқтисодий минтақаларни ташкил этиш талаб этилади.

⁹⁷ Каримов И.А. Одамларнинг ташвиш ва орзу-интилишлари билан яшаш фаолиятимиз мезонига айлансин. // Халқ сўзи. 2002 йил 19 июль.

Б.Эркаевнинг фикрича эса ҳозирги кунда бири-бирига хос, лекин номлари турлича бўлган **1200 дан** ортиқ эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатмоқда, шулардан 400 та эркин савдо зоналари, 400 таси илмий ишлаб-чиқариш, 300 та ишлаб-чиқариш экспорт зоналари, 100 таси эса махсус зоналар оффшор марказлари, рекреация зоналари, экологик-иқтисодий зоналар ва туристик зоналардан иборатдир. Оффшор марказларида эса жаҳон депозитларининг 1/3 қисми жамланган ва улар ҳажми бутунжаҳон товар айланишининг 10-25% ташкил этади. Булардан АҚШда **300 дан ортиқ**, Ғарбий Европада **100 га** яқини жойлашган, ривожланиб келаётган мамлакатларга **150 дан** ортиқроғи тўғри келади (шулардан ярми Лотин Америкасида жойлашган)⁹⁸. М.Богуславский бундай минтақалар сонини 600га яқин дея таъкидлайди.⁹⁹

“Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, эркин иқтисодий зоналар деб -минтақани жадал ижтимоий иқтисодий ривожлантириш учун ички ва ташқи капитални, истиқболли технологиялар ва бошқарувга оид тажрибаларни жалб этиш мақсадига тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудудга айтилади.¹⁰⁰

Т.П.Данько ва З.М.Окрутларнинг фикрича эркин иқтисодий зоналар деб муайян давлатнинг суверен ҳудуди тушунилиб, мазкур ҳудуд ана шу давлат хўжалик комплексининг таркибий қисмини ташкил этиб, у ерда ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий махсулот тақсимооти таъминланадиган ҳудуд тушунилади¹⁰¹.

Э.Г.Кочетовнинг фикрича эркин иқтисодий зоналар шундай ҳудудки, улардаги мавжуд шароитлар ушбу ҳудудда ишлаб чиқариш инфраструктурасини тезда ривожланишига олиб келади.¹⁰² Кочетов Э.Г. эркин иқтисодий зоналарга тариф беришда шундай ёндошганки, сўнгги вақтларда жаҳон амалиётида муайян ҳудудда ташкил этилган эркин савдо зоналари аста секин эркин экспорт ишлаб чиқариш

⁹⁸ Эркаев.Б "Миллим хусусиятли-технополис" Правда Востока 1996 05 май.

⁹⁹ Богуславский М.М. Иностранние инвестиции: правовое регулирование –М.: БЕК 1996 –155 с.

¹⁰⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1996 5-6 сон 58 модда.

¹⁰¹ Данько Т.П., Окрут З.М. Свободное экономические зоны. М.: Инфра М. 1998 9 с.

¹⁰² Кочетов Э.Г. Ориентиры внешнеэкономической деятельности(национальная экономика и предприятия в системе мирохозяйственных связей) М.: Экономика 1992 С. 207

зоналарига айланиб бораётганлиги кузатилмоқда. Айнан шу омил Э.Г.Кочетовнинг тарифига асос қилиб олинган.

Фикримизча эркин иқтисодий зоналар бу – тадбиркорликни рағбатлантириши, иқтисодиётни устун тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиши, истиқболли технологияларни жорий этиши мақсадида хўжалик молиявий фаолиятнинг алохида тартиботи жорий этиладиган ҳудуддир.

Эркин иқтисодий зоналар ўзининг ҳуқуқий режимига кўра ўзига хос жиҳатларга эга. уларда алохида божхона, валюта, солиқ, тартиботи, шунингдек, фуқаролар кириши, чиқиши ва бу ерда бўлишининг, меҳнат муносабатлари, молия-кредит фаолиятининг алохида тартиботи ҳамда инвестицияларни жалб этишда, тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга ва зонани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ўзига хос ҳуқуқий режим ўрнатилиши мумкин.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда учта эркин иқтисодий ҳудудларни барпо этиш жараёни бошланди.

Юқоридаги махсус мақомдаги ҳудудларга:

-“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси¹⁰³;

-“Ангрен” махсус индустриал зонаси¹⁰⁴;

-“Жиззах” махсус индустриал зонаси¹⁰⁵ киради.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси (Навоий ЭИИЗ) — Ўзбекистон Республикаси Навоий вилояти ҳудудининг Кармана туманида жойлашган. Бу ерда махсус ҳуқуқий режим, шу жумладан солиқ, валюта ва божхона режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган фуқароларнинг кириши, бўлиши ва

¹⁰³Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори // Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 5-сон, 40-модда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори // Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 15-сон, 189-модда; 35-сон, 385-модда; 2011 й., 47-сон, 489-модда,

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ангрен” махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони 2012 йил 13 апрель.

¹⁰⁵ “Жиззах” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисидаги 18.03.2013 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // <http://uza.uz/oz/documents/25778/>

чиқиб кетишининг, шунингдек меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсатнома олишининг соддалаштирилган тартиби амал қилади;

Замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техникани, технология линиялари ва модулларни, инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардошли маҳсулотларнинг кенг доирасини ишлаб чиқариш «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. «Навоий» ЭИИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати 30 (ўттиз) йилни ташкил этади. Ушбу муддат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан узайтирилиши мумкин.

«Навоий» ЭИИЗ қатнашчисига бериладиган гувоҳнома унинг «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги фаолиятига нисбатан алоҳида ҳуқуқий режим қўлланилишига, шу жумладан солиқ, валюта ва божхона режими қўлланилишига ҳуқуқларининг тасдиғи ҳисобланади. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчисига у белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан кейин «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги фаолиятга тегишли қисми юзасидан инвестициялаш тўғрисидаги тегишли битимда мустаҳкамланган мажбуриятлар юкланади. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси инвестициялаш тўғрисидаги битим бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга беришга ҳақли эмас.

«Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари ҳисобланмаган хўжалик юритувчи субъектлар «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш ҳуқуқига эга. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикасида «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидан ташқарида ўз филиалларини ташкил этишига йўл қўйилмайди.

«Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этишга фақат суд тартибида йўл қўйилади.

Худудда махсус ҳуқуқий режимнинг, шу жумладан солиқ, валюта ва божхона режимининг амал қилиши фақат қатнашчиларнинг «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида амалга ошириладиган фаолиятига татбиқ этилади. Қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва устунликларнинг амал қилиш муддати хўжалик юритувчи субъект «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари реестрига киритилган санадан бошлаб ҳисобланади.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида хўжалик юритувчи субъектларни хўжалик фаолияти қатнашчилари сифатида рўйхатга олиш тартиби ва

муддатларини белгилайди. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси катнашчиларини рўйхатдан ўтказиш уч босқичда амалга оширилади:

I босқич — «Навоий» ЭИИЗ маъмурий кенгаши томонидан «Навоий» ЭИИЗ худудида жойлаштиришга инвесторларни танлаш;

II босқич — «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси билан «Навоий» ЭИИЗда жойлаштиришга танловдан ўтган инвестор ўртасида «Навоий» ЭИИЗ худудида инвестициялаш тўғрисидаги битимни келишиш ва тузиш;

III босқич — қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат рўйхатидан ўтказиш, хўжалик юритувчи субъектларни «Навоий» ЭИИЗ катнашчилари реестрига киритиш.

Инвестор инвестициялаш тўғрисидаги битим имзоланган пайтдан бошлаб 10 иш куни мобайнида қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда рўйхатдан ўтказувчи органга у томонидан ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

«Навоий» ЭИИЗ худудида жойлаштириш учун инвесторлар томонидан ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

«Ангрен» махсус индустриал зонаси:

ички ва жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун инвестициялар, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасида қулай шарт-шароитларни шакллантириш;

махсус индустриал зона ва умуман республика корхоналари ўртасида мустаҳкам кооперацион алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш борасида ташкил этилган.

«Ангрен» МИЗ фаолият юритадиган муддат мобайнида унинг худудида махсус солиқ тартиби ва божхона имтиёзлари амал қилади;

Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистонда ўзбек-хитой саноат паркни барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумга мувофиқ “Жиззах” махсус индустриал зонаси ташкил этилган

“Жиззах” махсус индустриал зонаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари:

ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ва инновацион ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш;

махсус индустриал зонага кирувчи минтақаларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал-хомашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалик хомашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

махсус индустриал зона ва умуман республика корхоналари ўртасида мустаҳкам кооперацион алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хомашё ва материаллар негизида юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

“Жиззах” МИЗ ҳудудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилманинг жадал ривожланишини ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш. “Жиззах” МИЗнинг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин. “Жиззах” МИЗ фаолият юритадиган муддат мобайнида унинг ҳудудида махсус солиқ тартиби ва божхона имтиёзлари амал қилади. “Жиззах” МИЗ қатнашчиси мақоми “Жиззах” махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгашининг қарори билан берилади. “Жиззах” махсус индустриал зонаси қатнашчилари:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, лойиҳаларни амалга ошириш доирасида “Жиззах” МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзлар киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб 3 йилдан 7 йилгача муддатга берилади, шу жумладан эквиваленти: 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача бўлганда – 3 йил муддатга; 3 миллион АҚШ долларидан ортиб 10 миллион АҚШ долларигача бўлганда – 5 йил муддатга; 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга берилади.

Умуман олганда **Эркин ишлаб чиқариш зоналари**-мақсадли социал-иқтисодий дастур бўлиб, янги ишлаб чиқариш муносабатлари асосида алоҳида олинган ҳудудда тадбиркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг устивор тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш, истиқболли технологияларни эркин рақобат, маъмурий-иқтисодий мустақиллик ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш тамойиллари асосида жорий этилишидир. Бу мақсад учун қўшма ва чет эл корхоналарини тузилади.

3.2 Қўшма корхоналарнинг бекор бўлиши

ҚК юридик шахс сифатида бекор бўлиши, унинг ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топиши билан боғлиқ. Ш.Нуриддинова “бекор бўлиш” атамаси фақат юридик шахсларга қўлланилишлигини, бунда ҳуқуқ субъекти барҳам топишини таъкидлайди¹⁰⁶. Бекор бўлиш оқибатида юридик шахс ўз фаолиятига яқун ясайди. Бекор бўлиш қоидалари ФКнинг 49-57-моддалари ва махсус қонун ҳужжатларида ўз

¹⁰⁶ Нуриддинова Ш. Юридик шахслар бекор бўлишининг ҳуқуқий оқибатлари. // Фуқаролик кодексини такомиллаштириш муаммолари: Илмий-назарий конференция материаллари. -Тошкент: ТДЮИ, 2007. -Б. 41.

ифодасини топган. Юридик шахснинг ҳуқуқий ҳолатини ёритишда энг муҳим масалалардан бири, уни қайта ташкил этиш ва тугатишдир¹⁰⁷. Юридик шахснинг бекор бўлиш асослари цивилист олимлар томонидан кенг ўрганиб чиқилган¹⁰⁸ бўлса-да, фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида юридик шахснинг ҳуқуқий мақомини тадқиқ қилиш жараёнида ушбу масалани ёритиш зарурий шарт ҳисобланади, чунки бу босқичда юридик шахс ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топади. Ҳ.Р.Раҳмонқулов ва С.С.Гулямовлар жамият қайта ташкил этилишининг моҳиятини универсал ворислик билан боғлайдилар¹⁰⁹. А.Х.Шукуруллаевнинг фикрича, қайта ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий ворислик муносабатларига олиб келувчи ҳуқуқ субъекти сифатида юридик шахс ташкилий ҳуқуқий шаклининг бекор бўлиши ёки бошқача таркибий ўзгаришидир¹¹⁰.

Қўшма корхона қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши ҳам мумкин. Уни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонун, ФК ва бошқа қонунлар билан белгиланади.

Қўшма корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш бир-биридан фарк қилади. Қўшма корхона қайта ташкил этилганда, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янги юзага келган юридик шахс ёки юридик шахсларга топшириш ҳужжатига мувофиқ ворислик тартибида ўтади. Қўшма корхона тугатилганда, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор бўлади.

Қўшма корхонани қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Қўшиб юбориш деганда бир неча юридик шахснинг қарор асосида бирлаштирилиши тушунилади. Қўшиб олиш деганда, бир юридик шахснинг бошқа юридик шахсни ўз таркибига қабул қилиши

¹⁰⁷ Суханов Е. Реорганизация акционерных обществ и других юридических лиц.// Хозяйство и право. –Тошкент, 1996. -№1 –С. 14.

¹⁰⁸ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. 1-қисм. -107-109 б.; Раҳмонқулов Х.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига умумий тавсиф ва шарҳлар. –Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999. -175-181 б.; Шукуруллаев А.Х. Гражданско-правовое регулирование реорганизации и ликвидации сельскохозяйственных предприятий. Автореф. дис... канд. юрид. наук. –Тошкент: 2001.; Гражданское право. Учебник. Под. ред. А.П.Сергеева., Ю.К. Толстого. -М.: Проспект, 1999. Ч.1. -134-137 с.; Гражданские права. Учебник. Отв.ред. Е.А.Суханов -М.: БЕК, 1998. Т.1. -199-211 с. ва.х.к.

¹⁰⁹ Раҳмонқулов Х.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. –Тошкент: ТДЮИ, 2007. -419 б.

¹¹⁰ Шукуруллаев А.Х. Қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этиш ва тугатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш. юрид. Фан. номз. дис... –Тошкент: 2001. -46 б.

тушунилади. Бўлиш деганда бир ёки бир неча юридик шахс алоҳида юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналарга ажратиб юборилиши тушунилади. Ажралиб чиқиш деганда, юридик шахс таркибидан унинг таркибий қисми бўлган органининг мустақилликка интилиши ва юридик шахс мақомига эга бўлиши тушунилади. Ўзгартириш деганда, муайян ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхонанинг ўзгача шаклга ўтиши тушунилади (масалан, UzBAT акциядорлик жамияти UzBAT қўшимча масъулиятли жамиятга айланиши).

Корхона қайта ташкил қилинганда тугатишдан фарқли ўлароқ мулк сақланади, хўжалик ва мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжудлигини йўқотмайди. Ишлаб чиқариш бўлимлари ёки қисқарган ёки йириклашган тарзда ўз фаолиятини давом эттиради. Қайта ташкил этиш ҳуқуқий ворислик билан боғлиқ, яъни қайта ташкил этилаётган қўшма корхона ҳуқуқ ва бурчлари янги ташкил топаётганига ўтади. Унинг юридик шахсни тугатишдан асосий фарқи ҳам шунда. Қайта ташкил этилган қўшма корхонанинг ҳуқуқий ворислари унинг фаолиятини давом эттиради. Шу билан бирга унинг ҳуқуқ ва бурчлари тўлиқ ўтиши лозим. Улар қайта ташкил этилган юридик шахс (қўшма корхона)нинг универсал ҳуқуқий вориси, топшириш ҳужжати, шунингдек тақсимлаш балансида қайд этилган ёки этилмаган бўлса ҳам, унинг барча ҳуқуқ ва бурчларининг вориси бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 49-моддасида қайта ташкил этишнинг беш шакли фарқланади: - қўшиб юбориш (икки ёки ундан ортиқ юридик шахслар бошқасига қўшилади); - қўшиб олиш (бир ёки бир неча юридик шахслар бошқасига қўшилади); - бўлиш (юридик шахс ўз фаолиятини тўхтатиб, икки ва ундан ортиқ юридик шахсга бўлинади); - ажратиб чиқариш (юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахслар ажралади, бунда дастлабки юридик шахс ҳам мавжуд бўлиб қолаверади); - ўзгартириш (бир ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс бошқа шаклдаги юридик шахсга ўзгаради).

Қўшма корхонани қайта ташкил этиш умумий қоидаларга кўра ихтиёрий равишда – унинг таъсисчиларининг ёки таъсис ҳужжатлари билан ваколатга эга бўлган юридик шахс органи, масалан аъзоларнинг умумий йиғилиши қарори асосида амалга оширилиши мумкин. Қўшиб олиш, қўшиб юбориш ёки

Ўзгартириш шаклларидаги ихтиёрий қайта ташкил этиш қонунда белгилангандек, давлат органларининг олдиндан олинган розилиги асосида амалга оширилади. Бундай розиликни товар бозорларида монополистик фаолиятини келтириб чиқарувчи хўжалик субъектлари устидан назорат қилувчи монополияга қарши давлат органидан ҳам олиш талаб қилинади.¹¹¹

Баъзан юридик шахсни қайта ташкил этиш унинг хоҳишига боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Бу қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда ваколатли давлат органлари ёки суд қарори билан мажбурий амалга оширилади. Қонунга кўра бирор товар бозорида устун мавқега эга корхона монополияга қарши қонун ҳужжатларини устма-уст бузса, монополияга қарши давлат органи рақобатини ривожлантириш учун уни мажбурий бўлиб юбориш ёки таркибий бўлинмалар негизида бир ёки бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш тўғрисида судга даъво аризаси беришга ҳақли.

Кўшма корхонани қайта ташкил этишнинг санаб ўтилган шакллари икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга, тақсимлаш баланси билан расмийлаштирилувчи бўлиш ва ажратиб чиқариш шакли киради. Иккинчи гуруҳга, топшириш ҳужжати билан расмийлаштирилувчи қўшиб юбориш, қўшиб олиш ва ўзгартириш шакллари киради.

Юридик шахсни (кўшма корхонани) қайта ташкил этишда «тақсимлаш баланси» ва «топшириш ҳужжати»нинг аҳамияти катта. Чунки у қайта ташкил этилган юридик шахсининг ўзидан олдингисига нисбатан бўлган муносабатларида, хусусан берилган мол-мулкка эгалик ҳуқуқининг таркиби ва ҳажмига ҳуқуқий ворисликни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Тақсимлаш баланси ва топшириш ҳужжати кимга айна қайси ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўтиши кераклигини аниқ белгилаб бериши лозим. Топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси қайта ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилган шахслар томонидан тасдиқланиб, давлат рўйхатидан ўтказишга ҳавола этилади. Тақсимлаш баланси бўйича мол-мулкка келиб қўшилиши (актив) ёки ундан чиқиб кетиши (пассив) мумкин бўлган қисмлари, шунингдек жорий йил давомида олинган даромадлар ва кўрилган зарарлар ҳам ҳисобга олиниб топширилади. Топшириладиган мол-

¹¹¹Рақобат тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни.

мулк инвентаризация қилинади ва бу топшириш ҳужжатида ёки тақсимлаш балансида кўрсатиб қўйилади. Қайта ташкил этиш вақтида қайта ташкил этилаётган корхона эга бўлган дебитор ва кредиторлик қарзларининг бутун миқдори тақсимлаш баланси ёки топшириш ҳужжатида асосан, унинг ҳуқуқий ворисларига ўтади.

Қўшма корхона (юридик шахс) қайта ташкил этилиб, ҳуқуқий ворислик келиб чиққанда фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш қўйидаги вазифалардан келиб чиқади:

1. Барча ҳуқуқ ва мажбуриятларни тўла юклаш, қайта ташкил этилган юридик шахс фаолиятини унинг ҳуқуқий ворисига ўтиши;

2. Бундай мажбуриятларни ва улар бузилганлиги учун жавобгарликни қайта ташкил этилган юридик шахс ҳуқуқий ворисларига, унинг фаолияти қандай бўлинган бўлса, шундай аниқликда бўлиб бериш;

3. Кредиторларга қайта ташкил этилган юридик шахс мажбуриятлари олдида масъул ва жавобгар бўлган унинг ҳуқуқий ворисларини топишни енгиллаштириш. Бундай тадбирлар Зое кетса, барча ҳуқуқий ворисларга нисбатан солидор жавобгарликни қўллаш бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқий адабиётларда кўрсатилганидек, ҳуқуқий ворислик умумий (универсал) ва қисман (сингуляр) турларга бўлинади. Универсал ҳуқуқий ворисликда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг барчаси ўтади. Масалан, учта қўшма корхона қўшиб юборилганда, янги ташкил топган қўшма корхонага универсал ворислик тартибида олдинги барча корхоналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтади. Универсал ҳуқуқий ворислик мажбуриятлари йиғиндиси ташкил қилади. Ўз туб моҳиятига кўра сингуляр (қисман) ҳуқуқий ворислик, яъни ҳуқуқ ва мажбуриятлар бир қисмининг ҳуқуқий ворислигидан фарқ қилади.

Универсал ҳуқуқий ворисликда ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворисга ёки ҳуқуқий ворисларга тўлиқ ўтади. Яъни, мол-мулк бир корхонадан иккинчисига ўтганда мулк билан бирга янги ташкил бўлган корхонага ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам юкланади.

Фуқаролик кодекси 51-моддасини қўйидагича тушуниш ҳам мумкин: яъни, юридик шахс қайта ташкил этилиши натижасида янги юзага келган

юридик шахснинг мулкка оид ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўтиш вақти унинг муассислари ёки қайта ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинган орган томонидан топшириш ҳужжати ва тақсимлаш балансида имзоланган ва тасдиқланган сана ҳисобланади. Лекин тақсимлаш баланс ива топшириш ҳужжати доимо низосиз бўлмайди. Келишмовчиликлар суд тартибида ҳал қилинади.

Қайта ташкил этиш ва ҳуқуқий ворислик ҳақида нормалар тушунчалари вақтга ва мазмунга чамбарчас боғлиқ ҳолда кўриб чиқилиши лозим. Биринчидан, ҳеч ким топшириш ҳужжати ва тақсимлаш балансини тасдиқловчи юридик шахс муассисининг қайта ташкил этиш ҳақидаги қарорини ўзгартириш ёки бекор этиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш вақтигача чеклаб қўя олмайди. Муассиснинг бу ҳуқуқи қонунга зид бўлмасдан қайта ташкил этишнинг ҳуқуқий табиатига тўғри келади, иккинчидан, агар топшириш ҳужжати ва тақсимлаш балансида юридик шахс мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик ҳақида қоидалар бўлмаса, янги юзага келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин.

Қайта ташкил этилган қўшма корхона ворислари ҳам универсал ҳуқуқий ворис бўладилар, бу ҳақда топшириш ҳужжати ёки тақсимлаш балансида қайд этилмаган бўлса-да, улар ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммаларига оладилар.

Демак, ҳуқуқий ворислик мазмунини мол-мулкни топшириш ҳужжати ва уни тақсимлаш баланси ташкил қилади. Сингуляр тартибда ворисларга ҳуқуқнинг белгиланган қисми ўтиши мумкин. Сингуляр ворислик қўшма корхонани қайта ташкил этишда истисно тарзда қўлланиши мумкин. Амалдаги қонунчиликка кўра, хусусан Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 39- моддасига асосан, тарафлардан бири низоли ёки хўжалик суди ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан тақдирда суд бу тарафни унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштириб, бу ҳақда ўз ажрими, ҳал қилув қарори ёки қарорида кўрсатади. Ҳуқуқий ворислик процесснинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкин¹¹². Шунини айтиб ўтиш лозимки, ҳуқуқий ворислик учун у процессга киришгунга қадар амалга оширилган ҳаракатлар ҳуқуқий

¹¹² Қаранг. Ўзбекистон Республикаси ХПКга шарҳлар. Т.: 2002 й 69-бет

ворисларга ўрнини бўшатиб берган шахсга қай даражада мажбурий бўлган бўлса, процессдаги ҳуқуқий ворисларга ҳам шундай тааллуқлидир ва мажбурийдир.

ФК 52-моддасида «юридик шахс қайта ташкил этилганида кредиторлар ҳуқуқларининг кафолатлари»га катта аҳамият берилган. Чунки юридик шахс бўлингач ёки ажралиб чиққач улар мулкӣ заиф бўлган ворисларга тушиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Қўшиб олиш ёки қўшиб юбориш кредиторлар сони кўпайишига олиб келади. Бу кредиторларга хавф солади, қарздор мулки кўпаймасдан, балки қарз устига қарз қўшилиши мумкин. Шу сабабли ҳам қонунда қайта ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилган шахслар ва органлардан бу ҳақда барча кредиторларни ёзма хабардор этиши лозимлиги белгиланган. Бунинг натижасида кредитор ўз ҳуқуқларини дастлаб ҳимояланишини, яъни мажбурият бажарилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

Корхонани қайта ташкил этишдан унинг предмети ва фаолиятини ўзгартиришни фарқлаш лозим. Бунда у корхона мулкдори томонидан мавжуд бўлган юридик шахси доирасида амалга оширилади. Акциядорлик жамияти устав фонди ўзгариши корхона қайта ташкил этилишини англамайди.

Қайта ташкил этиш институтини хўжалик юритиш амалиётида қўллаш ёрдамида: 1-дан, фуқаролик муомаласи барқарорлиги сақланади; 2-дан, барча ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ҳуқуқий ворислиги таъминланади; 3-дан, шартномавий ва хўжалик алоқалари эркинликлари таъминланади; 4-дан, кредиторлар ҳуқуқлари максимал кафолатланади; 5-дан, қўшимча солиқ тўлаш зарурати йўқолади; 6-дан, вақтинча харажатлар қисқаради; 7-дан, айниқса қайта ташкил этишнинг ўзгартириш шаклини қўллаш самарадорлиги юқорилиги шундаки унда ишлаб чиқариш капитали, моддий воситалар, асосий ва оборотдаги фондлар тўлиқ сақланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик қонунчилигида юридик шахсни икки хил усулда тугатилиши назарда тутилган. Биринчиси ихтиёрий усул бўлиб, уни муассислар (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органи қарорига мувофиқ; - юридик шахс фаолият юритиш муддатининг тугаши; - уни ташкил этишдан

кўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан; - юридик шахсни ташкил этиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишининг йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганда; - муассислар (иштирокчилар) ёки юридик шахс органи томонидан ташкилотни тугатиш учун етарли бўлган бошқа сабабларни тан олиш билан.

Иккинчиси- мажбурий усулда суд қарори бўйича: - фаолиятни тегишли рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга ошириш; - қонунда тақиқланган фаолиятни амалга оширган ёки қонун ёхуд ҳуқуқий актларни бир неча бор қўпол бузган ҳолларда; - ФК да белгиланган бошқа ҳолларда.

- 6 ой мобайнида (савдо воситачилик корхонасида эса уч ой мобайнида) банк ҳисоб варақлари бўйича пул операциясини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишмаган тақдирда унинг тугатилиши ҳақида норма ФКда мустаҳкамланган.

Юридик шахс (қўшма корхона)ни тугатиш ошқора амалга оширилади. ФК 54-моддасига асосан, тегишли орган корхона тугатилаётгани ҳақида юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга ёзма маълумот беради. Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган мана шу хабарга асосан юридик шахс тугатилиши жараёнида эканлиги ҳақидаги маълумотни ягона давлат реестрига киритади. Маълумотлар киритилган сўнг юридик шахс фирма номига албатта «тугатилишда» деган сўз қўшиб қўйилади.

Шунингдек корхона тугатилаётгани ҳақида солиқ органлари, пенсия фондлари, суғурта жамғўрмалари хабардор қилинади. Тугатишда мазкур юридик шахс фаолияти тўлиқ бекор қилиниб, унинг иши тўхтатилади ва мол-мулки тугатилади. Агар юридик шахс суд орқали тугатилса, суд тегишли ҳаракатларни амалга оширади ва корхонани тугатиш ҳақида қарор қабул қилади. Шундан сўнг юридик шахс тугатилиши ҳақида ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига юридик шахсни тугатиш тамомланган, юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати тугаган деб ҳисобланади. Юқорида қайд этилган қоидалар қўшма корхоналарга ҳам татбиқ этилади.

Қўшма корхона ҳам бошқа юридик шахслар сингари қайта ташкил этилиши мумкин. Унда қўшма корхона тегишли тартибда 1997 йил 2 июлдаги Вазирлар маҳкамаси қарорига асосан давлат рўйхатидан ўтиши лозим бўлади.

Қўшма корхона тугатилганда у қайта ташкил этишдан фарқли равишда корхона фаолияти батамом тўхтатилади, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам тугайди. Қўшма корхона тугатилганда уни рўйхатга олган давлат органи томонидан давлат рўйхатидан, реестридан чиқарилади ва ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топади.

Хулоса

Қўшма корхоналар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини таҳлил этиш натижасида магистрлик диссертацияси бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Филиал ва ваколатхоналарнинг иш фаолияти ҳар хил меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади, бу эса ноқулайликларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис соҳанинг иш фаолиятини аниқ ва тўлиқ тартибга солиб турувчи қонун – “Юридик шахсларнинг филиал ва ваколатхоналари тўғрисида”ги қонун қабул қилинса филиал ва ваколатхоналар ташкил этиш ва фаолият соҳаси яна ҳам жадал ривожланган булар эди.

2. Маълумки, қўшма корхоналар ҳар доим аниқ ва муайян мақсадни кўзлаб, муайян фаолият соҳасида иш юритишни назарда тутиб тузилади. Қўшма корхоналар юридик шахс сифатида ташкил топаётган вақтда унга нисбатан ҳеч бир эътироз бўлмаслиги мумкин. Бироқ ташкил топгандан сўнг тегишли фаолият билан шуғулланиш учун лицензия беришни сўраб қилган мурожаатномаси мақсадга мувофиқ эмас деган асос билан рад этилиши мумкин. Бу ҳолда юридик шахсни ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этилганлиги формал аҳамиятга эга ҳолос. Аслини олганда фаолият юритиш имкониятидан маҳрум бўлган юридик шахс субъект сифатида у «вужудсиз соя»нинг ўзи, ҳолос. Фикримизча, бу муаммодан чиқиш учун қўшма корхоналар ташкил этмоқчи бўлган муассисларга қўшма корхонага ўтказиш ҳуқуқи билан лицензия

олиш ҳуқуқини бериш керак. Бу ҳолда қўшма корхона рўйхатдан ўтгандан сўнг дарҳол ўз фаолиятини бошлаш имкониятига эга бўлади.

3. ФК 44-модда 2-қисмига ҳам ўзгартириш киритиш лозим. Бунда 44-модда 2 қисми охириги жумласи куйидаги таҳрирда баён этилиши мақсадга мувофиқ: «Қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари, юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди. Ушбу ҳолат қонунда ўз аксини топса, турли англашилмовчиликларга барҳам берилган бўларди.

4. Фикримизча, Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий экспертизадан, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида Низомнинг амал қилиши, хорижий инвестицияларнинг, жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ҳам Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги рўйхатидан ўтишдек ортиқча ҳаракатни содир этишдан озод қилиш лозим. Чунки Ўзбекистон томонидан қатнашувчи тараф ундан олдин ҳам Ўзбекистонда корхона сифатида, жисмоний шахслар иштирок этган эса тадбиркор сифатида тегишли органларда рўйхатдан ўтган бўлади. Қолаверса Адлия Вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларда қўшма корхонани ташкил этувчи муассис сифатида яна чиғириқдан ўтказиш маъмурий–буйруқбозлик тизимига хос. Фикримизча, Адлия органларида рўйхатдан ўтган қўшма корхоналарни, чет эл корхоналарини ва уларнинг шўба корхоналарини юридик шахс мақомини олиши билан ташқи иқтисодий фаолият субъектлари сифатида тан олиш одилона иш бўларди.

5. “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасидаги “давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди”, деган жумлани жиддий таҳрирга мухтож. Шу боис 5-моддага “Давлат иштирокчиси бўлган жамиятларнинг мажбуриятлари бўйича унинг мол-мулки етарли бўлмаганда давлат ўз улушлари доирасида жавобгар бўлиши бундан мустасно” деган таҳрирда қўшимча киритиш лозим. Агар шундай қилинса, ҳам масъулияти чекланган жамиятларда давлат иштирокчилиги том маънода тенг ҳуқуқий

аҳамият касб этарди, ҳам жорий қонундаги ҳолат ФКнинг тегишли нормаси билан ҳамоҳанг бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги қонунларга мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2008. – № 12. – 637-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. –Т: Адолат, 2007. -520 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. Расмий нашр. –Т: Адолат, 2007.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни (25.05.2000 й.)//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2000. 5-6-сон 140-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги қонуни (06.12.2001 й.)//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2002. 1-сон, 8-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият тўғрисида”ги қонуни (06.12.2001 й.)//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2002. 1-сон, 10-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги Қонуни. (11.12.2003 й.)//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004. 3-сон, 28-модда.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992. №1. 43-модда.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни

// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1999 й. 1-сон, 10-модда.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги қонун
11. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун
12. Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат фондлари тўғриси»даги қонуни
13. Ўзбекистон Республикасининг «Фирма номлари тўғрисида»ги Қонуни
14. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги,
15. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонун
16. Ўзбекистон Республикасининг Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонуни
17. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун
18. Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонун
19. Ўзбекистон Республикасининг Рақобат тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари, Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сон Фармони,
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ангрен” махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони 2012 йил 13 апрель.
22. Жиззах” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисидаги 18.03.2013 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // <http://uza.uz/oz/documents/25778/>
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий сармоядорлар

иштирокидаги корхоналарга бериладиган кўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлари тўғрисида»ги Фармони.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга кўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 20-21-сон,

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 5-сон, 40-модда,

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 15-сон, 189-модда; 35-сон, 385-модда; 2011 й., 47-сон, 489-модда,

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июлдаги «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида»ги 336-сонли қарори

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 августдаги 251-сонли “Uz-china ugan” масъулияти чекланган жамият ўзбекистон-хитой кўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 35-сон, 387-модда

29. Ўзбекистон-Корея «Uz-Kor Silicon» Масъулияти чекланган жамият Кўшма Корхонасини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 371-модда

30. 2008 йил 11 август, 178-сонли ўзбекистон-корея «Uz-shindong silicon» масъулияти чекланган жамият кўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 33-сон, 316-модда,

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат

рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006, 20-21-сон, 174-модда.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 майдаги ПҚ-1529-сонли “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 224-модда

33. 2004 йил 19 май, 238-сонли «Қўқонхофтўқимачи» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарор

34. 2004 йил 8 январдаги 8-сонли Ўзбекистон-Туркия «Бурсел-Тошкент Текстиль» Қўшма Корхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарор

35. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг банклари ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби тўғрисида»ги низом

36. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 1999 йил 5 февралдаги «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 13 77-сонли қарори

Ш. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -364 б.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.// Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Т.1.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996.-319 б.

3. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. -Т.: Ўзбекистон, 2004. - 400 б.

4. Каримов И.А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -448 б.

5. Каримов И. Мамлакатимиз тараққиёти ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш-барча демократик янгилашни ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. -Т: Ўзбекистон. НМИУ.2007. -37-38 б.
6. Каримов И.А. Барқарор тараққиётга эришиш устивор вазифа. -Т.: Ўзбекистон.1998.-56 б.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: Ўзбекистон. 2009.-48 б.
8. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза.// -Т.: Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.
9. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилidir. // -Т.; Халқ сўзи. 2010 йил 8 декабрь.

IV. Асосий адабиётлар:

37. Абдусаломов М.А. Тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари ва муаммолари. Юрид. фан. номз... дис. Автореферати. -Тошкент: 2003.
38. Баратов М.Х. Давлат – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. - Тошкент: ТДЮИ, 2005.
39. Вохидов М.М. Ўзбекистон акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимининг ҳуқуқий муаммолари ва такомиллаштириш йўллари. Юрид. фан. номз... дис. Автореф. -Тошкент: 2007.
40. Гулямов С.С. Развитие законодательства об акционерных обществах в системе корпоративных отношений и проблемы его совершенствования. Автореф. дис... докт. юрид. наук. -Ташкент: 2005.
41. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. 1-қисм. –Тошкент: ТДЮИ, 2009
42. Исломов З.М. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. –Тошкент:

ТДЮИ, 2004.

43. Карахаджаева Ш. Правовое регулирование раскрытия информации в акционерных обществах Республике Узбекистан. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. -Ташкент: 2005.

44. Караходжаева Д.М. Гражданское право: субъект, объект и содержание правоотношения в условиях рынка.-Т.:ТДЮИ.2004.

45. Котова М.Д. Наблюдательный совет акционерных обществ: избрание, компетенция, ответственность. -Ташкент: ТГЮИ, 2004.

46. Маткурбанов Р.Ж. Проблемы правоспособности граждан (физических лиц) по гражданскому праву. Автореф. Дисс. к. ю. н. –Ташкент: 2004.

47. Ногаев Б.А. Религиозные организации как юридические лица. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. -Ташкент: 2000.

48. Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. –Тошкент: ТДЮИ, 2004.

49. Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг муаммолари. –Тошкент, 2010.

50. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. –Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997.

51. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. –Тошкент: O'zbekiston. 2008.

52. Раҳмонқулов Х.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. -Тошкент: ТДЮИ, 2007.

53. Рўзиназаров Ш.Н. Бозор шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми. –Тошкент: Адолат, 1997.

54. Самарходжаев Б.Б. Гражданско-правовое регулирование создание и деятельность совместных предприятий, Автореф. Дисс к.ю.н. - Т.: 1994.

55. Топилдиев В. Таъсис шартномаларининг назарий ва амалий муаммолари. – Тошкент, Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2006.

56. Туребеков Т.М. Общественные объединения как субъекты гражданского права. Автореф. дисс... канд.юрид.наук. -Ташкент: 2002.

57. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳлар. 1-жилд. – Тошкент, Виктор – пресс. 2010.

58. Ўзбекистон Юридик Энциклопедияси. –Тошкент, Адолат, 2010.
59. Хакимов Р., Сборник нормативных актов КНР о совместных предприятиях., Т.: Мехнат. -1993.
60. Шукуруллаев А.Х. Гражданско-правовое регулирование реорганизации и ликвидации сельскохозяйственных предприятий. Автореф. дис... канд. юрид. наук. –Тошкент: 2001.
61. Юлдашев Ж. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида.-Т.:ТДЮИ.2004.

V.Қўшимча адабиётлар

62. Balekjian W. Legal Aspects of Foreign Investment in the European Economic. – Manch, 1967 year/ P-3.
63. Gulyamov S.S. Xalqaro savdo huquqi. –Tashkent: TDYuI. 2009. 60 b
64. Journal official du 26.07.1966
65. Sbirka Zakonu? 1991. №513. С.98
66. Schwarzenberger G.Foreign Investments and International Law.-London, 1969/ -P/17
67. Алексеев С.С. Общая теория права. -М.: Юр. лит, 1982;
68. Блэк Б., Крекман Р., Тарасова А. Комментарий Федерального закона об акционерных обществах. -М.: Лабиринт, 1999.
69. Богатырев А.Г. Инвестиционное право, -М.: МО,-1992.
70. Богатых Е. Гражданское и торговое право. -М.: Контракт, 2000.
71. Богуславский М. Иностранные инвестиции: правовое регулирование, - М.:БЕК,-1996.
72. Братус С.Н. Субъекты гражданского права. –М.: Юр издат. 1950.
73. Гражданское право Под.ред. С.П.Сергеева. Ю.К.Толстого. -М.: Проспект, 1999. Ч.1.
74. Гражданское право. Общая часть. Отв.ред. Е.А.Суханов. -М.: Волтерс Клувер, 2005. Т.1.
75. Гражданское право. Учебник. Отв.ред. Е.А.Суханов -М.: БЕК, 1998. Т.1.

76. Данько Т.П., Окрут З.М. Свободные экономические зоны. М.: Инфра М. 1998.
77. Евстратов С.Ю. Иностранные инвестиции в СССР. вопросы финансового регулирования. –М.: Финансы и статистика 1991.
78. Залесский В.В. Комментарий к Гражданскому кодексу Р.Ф. -М.: Информцентр, 1997.
79. Кашанина Т.В. Корпоративное право. Учебник. -М.: НОРМА-ИНФРА-М, 1999.
80. Кирин А.В. Правовые основы отношений государство и инвесторов. -М.: Инфора-м», 1998.
81. Комментарий к гражданскому кодексу Российской Федерации. Отв.ред. О.Н. Садыкова -М.: Юринформцентр, 1997.
82. Кочетов Э.Г. Ориентиры внешнеэкономической деятельности(национальная экономика и предприятия в системе мирохозяйственных связей) М.: Экономика 1992
83. Лаптев В.В. Акционерное право. -М.: Контракт, 1999.
84. Нгуен Тхань Дык. Правовое регулирование создания и деятельности акционерных компании во Вьетнаме. Автореф. дисс... к. ю. н. -Алмааты: 1997.
85. Субъекты гражданского права./Под.ред. С.Н.Братус. -М.: Юр. лит, 1984.;
86. Финансово – кредитный словарь /Пад ред. Горбузова В.С. -Москва, 1994. Т.1.
87. Функ Я, Хвалей В «Курс международного торгового право» Минск: «Амалфея» 1999
88. Халевинская Е.Д. Предприятия с иностранным капиталом в России. –М.: Финстатинформ 1995.
89. Халфина Р.О. Общее учение о правоотношении. -М.: Юр. лит, 1974.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

90. Могилевский С. Понятие и порядок образования органов управления Акционерного общества // Хозяйство и право. -Москва, 2006. -№1. –С 60.

91. Нуриддинова Ш. Юридик шахслар бекор бўлишининг ҳуқуқий оқибатлари. // Фуқаролик кодексини такомиллаштириш муаммолари: Илмий-назарий конференция материаллари. -Тошкент: ТДЮИ, 2007.
92. Рахмилович В.А. Основные положения о юридических лицах в Гражданском кодексе РФ. Комментарий // Адвокат. –Москва, 1997. -№11. –С. 6.
93. Рахмонкулов Х.Р. О понятии юридического лица. // Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2003. -№ 6. -Б. 62-65.
94. Шиткин И. Соотношение интересов различных групп акционеров и менеджеров в управлении акционерным обществом. // Хозяйство и право. – Москва, 1998. -№11. –С. 126.
95. Эргашев В. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Қонунчилиги бўйича мулк ҳуқуқининг тушунчаси ва мазмуни // Ўзбекистон Қонунчилиги таҳлили. - Тошкент, 2006. -№1. –Б. 32.